

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ЮСУБОВА РАНО НОРБОЙЕВНА

**ТЕЖАМЛИЛИК ВА ОРТИҚЧАЛИКНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2021

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Юсубова Рано Норбойевна

Тежамлилик ва ортиқчаликнинг лингвопоэтик хусусиятлари 3

Юсубова Рано Норбойевна

Лингвопоэтические особенности экономики и избыточности 35

Yusubova Rano Norboyevna

Lingua-poetic features of economy and redundancy 67

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 72

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ЮСУБОВА РАНО НОРБОЙЕВНА

**ТЕЖАМЛИЛИК ВА ОРТИҚЧАЛИКНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.DSc/Fil192 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: Менглиев Бахтиёр Ражабович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Элтазаров Жўлибой Данабаевич
филология фанлари доктори, профессор

Ҳакимов Муҳаммад Хўжахонович
филология фанлари доктори, профессор

Юлдашев Маъруфжон Муҳаммаджонович
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил “09” июль соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети, Бош ўқув биноси, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (18 -рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2021 йил “28” июнь куни тарқатилди.
(2021 йил “28” июнь даги 23 рақамли реестр баённомаси).



М.К. Мухиддинов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси,
филология фанлари доктори, профессор

Х.А. Асланова
Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
фалсафа доктори (PhD), филол.ф.б

А.Э. Маматов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси,
филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида нутқнинг воқеланиши тил соҳибининг психологияси, когнитив фаолияти билан муштараклиги, тил бирликларини иқтисод қилиш ёки ортиқча қўллашдан кўзланган мақсад, ушбу тамойилларнинг миллий-этник хосланиши, глобаллашув шароитида тежамлилик ҳодисасининг нисбатан устуворлиги, нутқни шакллантиришдаги ўрнини аниқлаш ва асослаш амалий аҳамият касб этмоқда. Бугун лингвопоэтика олдида ўзаро диалектик боғлиқликдаги икки тамойил – тежамлилик ва ортиқчаликнинг бадий имкониятларини воқелантиришга хизмат қилишидан кўзланган ғоявий-эстетик вазифа белгиланмоқда. Бинобарин, ортиқчаликнинг тежамлилик билан ўзаро муносабатини эллипсис ва редукция ҳодисалари мисолида ўрганиш соҳа тараққиётини таъминлайдиган муҳим омиллардан ҳисобланади.

Дунё тилшунослигида тежамлилик ва ортиқчалик юзасидан амалга оширилган тадқиқотлар тарихи узоқ даврларга бориб тақалишига қарамай, моҳиятан ҳодисаларни тизимли равишда узвийликда ўрганиш тақозо этилмоқда. Бир томондан, турли мақсад ва вазифаларнинг кун тартибига қўйилиши, ўзига хос таркибий фактик материаллар, таҳлил усуллари, тадқиқотларнинг бир-бирини инкор этувчи фалсафий ва методологик асослари кенг қўламли ёндашувларни яратмоқда. Бошқа томондан, бу ҳодисаларнинг жиддий мураккаблиги ва алоқадорлиги муаммоларни ҳал қилишни сезиларли даражада мураккаблаштирмоқда. Тилдаги бундай ўзгаришлар бадий нутқнинг шаклланишида тежамлилик ва ортиқчаликни намоён қилувчи восита сифатида лингвопоэтик жиҳатларни қамраб олганлиги билан муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда ўзбек тилининг нуфузи ва мавқеини оширишга муттасил ва мунтазам эътибор берилмоқда. “Давлат тилининг софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг нутқ маданиятини ошириш, ... мамлакатимизда истиқомат қиладиган барча миллат ва элатлар тилларини ривожлантириш мақсадида кенг ва тенг имкониятлар ҳамда уларга давлат тилини ўргатиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш”¹ масаласига жиддий киришилган экан, ўзбек тилининг амалий жиҳатларини, шу маънода, тежамлилик ва ортиқчаликнинг лингвопоэтик имкониятларини чуқур ўрганмасдан бўлмайди. Бадий матнда концептуаллашган образли фикр ижодкорнинг индивидуал услубига монанд тарзда тежамлилик ёки ортиқчалик характерида бўлар экан, ижтимоий фаолиятда намоён бўлувчи миллий-этник, фалсафий, ахлоқий, бадий-эстетик қарашлар мужассам бўлган бадий матннинг лингвопоэтик таҳлилида ушбу тамойилларнинг

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сонли “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // <https://lex.uz>

ўрнини белгилаш муҳимдир, “жонли” матн – бадий матнни мазкур икки тамойил билан боғлиқ бадий-эстетик ва миллий-маданий ҳамоҳанглиги асосида юзага келувчи лингвопоэтик хусусиятларини ёритиш танланган мавзунинг долзарблигини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда келтирилган вазифаларни амалга оширишда диссертация натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹. Жаҳон тилшунослигида тежамлилиқ ва ортиқчалиқнинг лингвистик хусусиятлари, нутқий имкониятлари, когнитив, лингвопоэтик жиҳатлари каби назарий ва амалий масалаларни тадқиқ этишга қаратилган илмий кузатишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Sorbonne Université (Франция); Oxford University, Cambridge University, University of East Anglia (Англия); Humboldt Universität, University of Rochester (Германия); Boston University, Yale University, University of Chicago (АҚШ); Sapienza University of Rome, Università di Milano (Италия); University of Geneva (Швейцария); Nagoya University, Hiroshima University (Япония); Universiteit Utrecht (Нидерландия); University of Belgrade (Сербия); Лингвистик тадқиқотлар институти, Москва давлат университети, А.С.Пушкин номидаги рус тили давлат институти, Тольятти давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети, Бошқирдистон давлат

¹ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи www.sorbonne-universite.fr, www.ox.ac.uk, www.cambridge.org, www.uea.ac.uk; www.hu-berlin.de, www.rochester.edu, www.bu.edu, ling.yale.edu, www.math.rug.nl, www.amazon.com; http://www.uniroma1.it, www.collegiodimilano.it; www.unige.ch; en.nagoya-u.ac.jp, www.hiroshima-u.ac.jp; www.uu.nl; www.bg.ac.rs; http://iling.spb.ru; www.msu.ru; www.pushkin.institute.ru; www.tltsu.ru; www.spbu.ru; www.bashedu.ru; adu.edu.az; www.kaznu.kz; www.hgu.tj; www.navoiy-uni.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

университети (Россия); Озарбайжон давлат тиллар университети (Озарбайжон), Қозоқ миллий университети (Қозоғистон); Хўжанд давлат университети (Тожикистон); шунингдек, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳон тилшунослигида тежамлилик ва ортиқчаликнинг юзага келиш омилларининг ўрганилиши, лингвистик ҳамда экстралингвистик факторлар билан боғлиқлиги, прагматик мақсадни юзага чиқаришда ўзаро оппозитивлиги ёки диалектик алоқаси, лингвопоэтик имкониятлари, бадий усулларнинг юзага келишидаги иштироки, тежамлилик ва ортиқчаликнинг тил сатҳларида амал қилиш даражаси, психофизиологик, лингвомаданий, концептуал характери тадқиқига оид олиб борилган тадқиқотлардан қуйидаги илмий натижалар олинган: тежамлилик тамойилининг тил эволюциясидаги ўрни, тежамлилик ва ортиқчаликнинг диалектик алоқадорлиги ва фалсафий асослари ўрганилган (Sorbonne Université, Франция; Cambridge University, Англия; Università di Milano, Италия; Oxford University, Yale University, АҚШ; Humboldt Universität, Германия; Università di Milano, Италия; University of Geneva, Швейцария; Лингвистик тадқиқот институти, Россия; ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти); тежамлилик ва ортиқчалик тамойиллари асосида юзага келувчи нутқий ҳодисалар ўрганилган (University of East Anglia, Cambridge University, АҚШ; Лингвистик тадқиқотлар институти, Москва давлат университети, Россия; Озарбайжон давлат тиллар университети, Озарбайжон; Хўжанд давлат университети, Тожикистон; ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти); тежамлилик ва ортиқчаликнинг тил сатҳларида юзага келиш омиллари, тежамлиликнинг амал қилишида экстралингвистик факторларнинг ўрни ёритилган (Sorbonne Université, Франция; University of Chicago, АҚШ; Humboldt Universität, Германия; Nagoya University, Hiroshima University, Япония; University of Geneva, Швейцария; Қозоқ миллий университети, Қозоғистон; Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети); тежамлилик ва ортиқчаликнинг психофизиологик хусусиятлари, лингвомаданий, когнитив жиҳатлари асослаб берилган (University of Rochester, Германия; Boston University, АҚШ; Sapienza University of Rome, Италия; Universiteit Utrecht, Нидерландия; Санкт-Петербург давлат университети, Россия); тежамлилик ва ортиқчаликнинг услубият билан алоқадорлиги, бадий-эстетик хусусиятлари ўрганилган (University of Belgrade, Сербия; А.С.Пушкин номидаги рус тили давлат институти, Тольятти давлат университети, Бошқирдистон давлат университети, Россия; ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти); тежамлиликнинг троплар ҳамда синтактик фигураларда намоён бўлиши асосланган (Лингвистик тадқиқот институти, Россия; ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти).

Жаҳон тилшунослигида тежамлилик ва ортиқчаликнинг юзага келиш омиллари бўйича бир қатор, жумладан, қуйидаги йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: тежамлилик ва ортиқчаликни юзага келтирувчи факторларни аниқлаш; лексик тежамлилик ва ортиқчаликнинг прагматик ҳамда лингвопоэтик хусусиятларини очиб бериш; тежамлилик ва ортиқчалик асосида юзага келувчи нутқий ҳодисаларда шакл-мазмун муносабатини тадқиқ этиш; тил тизимининг барча сатҳида юзага келувчи тежамлилик ва ортиқчаликнинг қўлланиш ҳажми ва бадий-эстетик вазифаларини ўрганиш каби устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тежамлилик ва ортиқчалик тамойилига муносабат антик давр билан боғлиқ. Жаҳон тилшунослигида тежамлилик ва ортиқчалик масаласига доир бир қатор тадқиқотлар олиб борилган, бироқ мазкур тамойиллар ўзаро оппозитив муносабатда бўлиш билан бир қаторда, диалектик алоқадор тенденциялар эканлиги, ўзаро нейтраллашуви бирмунча эътибордан четда қолган. Тилда тежамлилик тамойили илмий асосда О.Есперсен, У.Уитни, Ш.Балли, А.Мартине, И.А. Бодуэн де Куртенэ, Е.Поливанов, Р.Будагов, А.Потебня, Б.Серебрянников, В.Борисов, А.Нурмонов, Н.Махмудов, Ю.Апресян, М.Трофимов, М.Юсифов, Г.Инфантова, А.Сковородников, Г.Грайс, Д.Салихова, Е.Земская, Ж.Элтазаров, И.Аржанова, В.Елькин, Е.Лозинская, О.Головач, Ф.Ибрагимова, А.Ковригина¹ каби тилшунослар томонидан чуқур

¹ Jespersen O. The Philosophy of Grammar. – London: Alien & Unwin, 1951. – 359 p.; Есперсен О. Философия грамматики. – Москва: Иностр. лит., 1958. – 404 с.; Whitney W. D. Language and the Study of Language. Twelve Lectures on the Principles of Linguistic Science. – New York: Charles Scribner & Company, 1867. – 487 p.; Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. – Москва: Иностр. лит., 1955. – 416 с.; Балли Ш. Французская стилистика. – Москва: Иностр. лит., 1961. – 394 с.; Мартине А. Принцип экономии в фонетических изменениях. – Москва: Иностр. лит., 1960. – 263 с.; Мартине А. Основы общей лингвистики // Новое в лингвистике. Вып. III. – Москва: Иностр. лит., 1963. – С. 366-558; Бодуэн де Куртенэ И.А. Избранные труды по общему языкознанию. В 2-томах. –Т. I. – Москва: Изд-во АН, 1963. – 384 с.; Бодуэн де Куртенэ И.А. Избранные труды по общему языкознанию. В 2-томах. –Т. II. – Москва: Изд-во АН, 1963. – 391 с.; Поливанов Е.Д. Материалы по грамматике узбекского языка. Вып. 1. – Ташкент: Госиздат, 1935. – 48 с.; Поливанов Е.Д. Статьи по общему языкознанию. – Москва: Наука, 1968. – 376 с.; Будагов Р.А. Проблемы развития языка. – Москва – Ленинград: Наука, 1965. – 73 с.; Потебня А.А. Из записок по русской грамматике. – Т. III. – Москва: Просвещение, 1968. – 551 с.; Серебрянников Б.А. О сущности процессов изменения слов и словосочетаний и о природе и характере структуры слова в тюркских и финно-угорских языках // Морфологическая структура слов в языках разных типов. – Москва – Ленинград: Изд-во АН, 1963. – С. 216-222; Серебрянников Б.А. О материалистическом подходе явлениям языка. – Москва: Наука, 1983. – 319 с.; Борисов В.В. Аббревиация и акронимия. – Москва: Воениздат МО СССР, 1972. – 320 с.; Нурмонов А. Ўзбек тилининг фонетик ўзгаришларида экономия принциплари: Филол. фан. канд. ...дисс. – Тошкент, 1973. – 182 б.; Махмудов Н. Эллипсис в современном узбекском языке: Дисс. ...канд. филол. наук. – Тошкент, 1977. – 110 с.; Махмудов Н. Семантико-синтаксическая асимметрия простом предложении в узбекском языке: Автореф. дисс. ...д-ра филол. наук. – Т., 1984. – 45 с.; Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. – Москва: Наука, 1974. – 366 с.; Трофимов М.И. Фонетические процессы в слого в современном уйгурском языке. – Алма-Ата: Наука Каз. ССР, 1978. – 120 с.; Юсифов М.И. Экономия в системе языка (на материале азербайджанского языка): Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Баку, 1978. – 24 с.; Инфантова Г.Г. Экономия сегментных средств в синтаксисе современной русской разговорной речи: Дисс. ...д-ра филол. наук. – Таганрог, 1975. – 456 с.; Сковородников А.П. Экспрессивные синтаксические конструкции современного русского литературного языка. – Томск: Томского ун-та, 1981. – 254 с.; Грайс Г.П. Логика и речевое общение // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XVI. – Москва: Прогресс, 1985. – С. 217-237; Салихова Д.А. Морфологическая система современного татарского литературного языка: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Казань, 1986. – 20 с.; Земская Е.А. Русская разговорная речь: лингвистический анализ и проблемы обучения. – 2-е изд. перераб. и доп. – М.: Русский язык, 1987. – 240 с.; Элтазаров Ж. Д.

ўрганилган. Тилшуносликда Г.Глисон, А.Боровков, К.Шеннон, А.Греймас, В.Звегинцев, В.Гак, А.Кононов, А.Щербак, Р.Кўнғуров, Н.Маҳкамов, Б.Шеронов, Р.Пиотровский, Е.Грудева, Т.Ковалева, А.Пардаев¹ларнинг ортиқчаликнинг типлари ва қўлланиши масалаларига бағишланган ишларини келтириш мумкин. Тил сатҳларида тежамлилик ва ортиқчаликнинг шакл-мазмун муносабатига кўра амал қилиши лингвопоэтик ёндашув асосида ўрганилмаганлиги мавзунинг монографик планда тадқиқ этишни тақозо этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Навоий давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбек тилшунослигининг назарий ва амалий масалалари” (№К-16, 2017-2020 й) йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бадиий матнда тежамлилик ва ортиқчаликнинг лингвопоэтик хусусиятларини илмий-назарий жиҳатдан очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тежамлилик ва ортиқчаликнинг жаҳон, рус ва ўзбек тилшунослигида ўрганилиш масалаларини тадқиқ этиш;

тежамлилик ва ортиқчалик тамойилларини ўзаро оппозитив ва айни пайтда диалектик ҳодисалар сифатидаги моҳиятини далиллаш;

Усечение в узбекском языке: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Самарканд, 1992. – 21 с.; Элтазаров Ж. Тилдаги тежамлилик тамойили ва қисқарув. – Самарканд: САМДУ, 2004. – 111 б.; Аржанова И.А. Функционально-коммуникативные и лингвопоэтические функции эллиптических конструкций в современной художественной литературе на английском языке: Дисс. ...канд. филол. наук. – Москва, 1999. – 188 с.; Елькин В.В. Диалогическая речь – основная сфера реализации языковой экономии: Дисс. ... канд. филол. наук. – Пятигорск, 2001. – 220 с.; Лозинская Е. Развитие понятия языковой экономии в лингвистической литературе: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Москва, 2010. – 23 с.; Головач О.А. Принцип экономии в лингвистике // Вектор науки ТГУ. – №3 (17). – Тольятти. 2011. – С.138-147; Ибрагимова Ф. Бадиий матнда эллипсис ва антиэллипсис: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 25 б.; Ковригина А. Реализация принципа экономии языковых средств в современной испанской прессе: лексико-синтаксический аспект: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Москва, 2013. – 24 с.

¹Глисон Г. Введение в дескриптивную лингвистику. – М.: Иностр. лит., 1959. – 487 с.; Боровков А.К. Краткий очерк грамматики узбекского языка // Узбекско-русский словарь. – М.: Государственное издательство иностранных и национальных словарей, 1959. – С. 679-727; Шеннон К.Э. Теория связи в секретных системах // Работы по теории информации и кибернетике – М.: Иностр. лит., 1963. – С.333-402; Greimas A.J. Semantique structurale. – Paris, Larousse, 1966. – 262 p.; Звегинцев В.А. Теоретическая и прикладная лингвистика – М.: Просвещение, 1968. – 338 с.; Гак В.Г. Семантическая структура слова как компонент семантической структуры высказывания // Семантическая структура слова. – М.: Наука, 1971. – С. 78-96; Гак В.Г. Сопоставительная лексикология. – М.: Международные отношения, 1977. – 264 с.; Кононов А.Н. Уменьшительные формы имен и словообразование // Вопросы тюркологии. – Баку, 1971. – С. 83-97; Щербак А. М. Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков (имя). – Ленинград: Наука, 1977. – 191 с.; Кўнғуров Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1981. – 168 б.; Маҳкамов Н. Аффиксальный и лексико-аффиксальный плеоназм в узбекском языке: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1983. – 19 с.; Маҳкамов Н. Адабий норма ва плеоназм. – Тошкент: Фан, 1988. – 95 б.; Шеронов Б. Ўзбек тили гап қурилишида лисоний ортиқчалик: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1996. – 21 б.; Пиотровский Р.Г. Лингвистический автомат и его речемыслительные обоснования. – Минск: МГПИИЯ, 1999. – 195 с.; Грудева Е.В. Избыточность текста, редукция и эллипсис: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Санкт Петербург, 2008. – 41 с.; Ковалева Т. Тавтология и плеоназм в русском языке XXI века: полисистемный аспект: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Великий Новгород, 2017. – 24 с.; Пардаев А. Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг лисоний тизимдаги ўрни ва лингвопрагматикаси: Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 77 б.

бадий матнда кўчим асосидаги тежамлиликни концепт доирасида ёритиш орқали лингвопоэтик имкониятларини очиб бериш;

тежамлиликнинг лингвопоэтик имкониятларини сўз-гаплар мисолида таҳлил қилиш;

новербал воситалар ҳамда семантик-синтактик номувофиқлик асосидаги тежамлиликнинг бадий-эстетик хусусиятларини ёритиш;

ситуатив, контекстуал, семантик эллипсиснинг лингвопоэтик восита сифатида бадий матнда қўлланиш имкониятларини очиб бериш;

мумтоз шеъриятда ўз ва ўзлашма синонимларнинг қўлланиши билан боғлиқ лексик ортиқчаликнинг лингвопоэтик хусусиятларини очиб бериш;

мумтоз шеърият тилида аффиксал ҳамда лексик-аффиксал ортиқчаликнинг лингвопоэтик имкониятларини ёритиш;

семантик ва синтактик ортиқчаликнинг мажозий тасвир рамзийлигига эришиш воситаси сифатидаги бадий-ғоявий жиҳатларини ёритиш;

ранг билдирувчи лексемалар синонимиясининг лисоний ортиқчалик фонидagi лингвопоэтик имкониятларини Алишер Навоий шеърияти тили мисолида очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек мумтоз адабиёти намуналари ва замонавий бадий матнлар танланган.

Тадқиқотнинг предметини мумтоз ва замонавий бадий матнлар воситасида тежамлилик ва ортиқчаликнинг лингвопоэтик хусусиятларини ўрганиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишда жаҳон ва рус тилшунослигида, жумладан, ўзбек тилшунослигида синовдан ўтган диалектик, дискурсив, таснифлаш, қиёслаш, тавсифлаш, компонент, контекстуал ва лингвопоэтик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кўчим асосидаги тежамлиликнинг лингвопоэтик имкониятлари метафорик ҳамда метонимик тежамлиликнинг бадий матнга ихчамлаштирилган образли тус бериши “инсон” концепти доирасида маъновий-манتيқий, миллий-маданий ҳамда лингвопоэтик ёндашувга кўра очиб берилган;

бадий матнда тежамлиликка асосланган киноянинг турли прагматик омиллар таъсирида содир бўлиши ва доимий субъектнинг салбий баҳоси ифодачисига айланиши, шунингдек, кенг мазмуннинг бир тил бирлигида окказионал воқеланишининг лингвопоэтик қиммати асосланган;

тежамлиликнинг семантик-синтактик номувофиқлик асосида воқелантирилиши, бадий матнда новербал воситаларнинг тежамлиликка мувофиқ вужудга келиши ва вербал воситалар ўрнини тўлдириши, тежамлиликнинг шаклий-мазмуний номувофиқлик асосида намоён бўлиши, ситуатив, контекстуал ҳамда семантик эллипсиснинг лингвопоэтик имкониятлари аниқланган;

лексик синонимлар қаторида бирлаштирувчи семага эга бўлган лексемалар ифода даражалари ёки эмоционал-экспрессивлиги билан ўзаро фарқланган ҳолда лексик ортиқчалик тамойилига мос тарзда қўлланиши билан боғлиқ лингвопоэтик ёндашув мумтоз адабий асарлар мисолида далилланган;

аффиксал ҳамда лексик-аффиксал ортиқчаликнинг поэтик матнга бадий тус бериши, семантик ортиқчаликнинг тимсол яратиш мақсади билан поэтик маънони қолипловчи воситага айлантириши, синтактик ортиқчалikka хос гап моделларининг лингвопоэтик қиммати мумтоз адабий асарлар мисолида далилланган;

“қизил”, “қора”, “сарик” маъноларини англатувчи семема ва семалар, лексемалар синонимиясининг семантик ва лексик ортиқчалик фонидаги лингвопоэтик имкониятлари Алишер Навоий лирикаси мисолида асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тил сатҳларида намоён бўлувчи тежамлилик ва ортиқчаликнинг лингвопоэтикадаги ўрнини белгилаш ва воқеланиш сабабини илмий-амалий жиҳатдан исботлашда, тил ва нутқ ҳодисаларининг тежамлилик ва ортиқчалик тамойили асосида вужудга келишини ҳамда экстралингвистик факторлар ўрнини аниқлаш учун қўлланадиган методларни кўрсатиб беришда амалий аҳамият касб этган;

тежамлилик ва ортиқчаликнинг бадий-эстетик имкониятлари, миллий-этник хусусиятларини лингвопоэтик жиҳатдан ўрганиш, бадий нутқнинг ҳар бир тури тил фондидан ўзи учун алоҳида унсур танлаши асосида тил бирликларида тежамлилик ва ортиқчаликнинг юзага келиши, бири иккинчисининг амал қилишига йўл очишини кўрсатиб беришда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши асосланган;

ўзбек бадий матнида тежамлилик ва ортиқчаликнинг лингвопоэтик жиҳатларини очиб бериш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқ қилинган қарашлар, усуллар ва назарий маълумотларнинг аниқ илмий манбаларга асосланганлиги, келтирилган таҳлиллар диалектик, тавсифлаш, таснифлаш, функционал-семантик, қиёсий-типологик, тарихий-қиёсий, лингвопоэтик таҳлил методлари ёрдамида далилланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, тежамлилик ва ортиқчалик ўзаро зид тамойиллар бўлиш билан бир қаторда, лингвопоэтик талаб билан бири иккинчисининг реаллашувига имконият яратишини тадқиқ қилишда назарий аҳамият касб этади. Ўзбек бадий нутқда тежамлилик ва ортиқчаликнинг ишлатилиш ўрнини, бадий нутқ турларида қўлланиш кўламини белгилашда, ушбу икки тамойилнинг юзага келтирилиши тилнинг миллий-маданий жиҳатлари билан қай даражада алоқадорлигини ёритишда, бадий

коммуникацияда поэтик феномен мақомини эгаллаганлик даражасини аниқлашда, лингвопоэтик имкониятларини очиб беришда муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти лингвопоэтика билан боғлиқ курсларни ўқитиш, хусусан, олий таълимдаги “Ҳозирги ўзбек адабий тили”, “Ўзбек тили тарихи”, “Семасиология”, “Ўзбек тилининг соҳада қўлланиши”, “Лингвопрагматика” ўқув курсларини такомиллаштиришда, лингвопоэтика, лингвокогнитив, лингвокультурология, лингвопрагматика каби соҳаларни ривожлантиришда, бадиий нутқнинг миллий-маданий, ғоявий-эстетик вазифаларини кўрсатишга доир услубий ва ўқув қўлланмалар, монографиялар яратишда, янги тадқиқотларнинг назарий ва амалий бойитилиши учун хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тежамлилик ва ортиқчаликнинг лингвопоэтик хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тилдаги тежамлилик ва ортиқчаликнинг бадиий-эстетик вазифалари, лексик синонимларнинг қўлланиши билан боғлиқ лисоний ортиқчаликнинг бадиий вазифалари, ранг билдирувчи лексемалар синонимиясининг лисоний ортиқчалик фонидаги бадиий имкониятлари ҳақидаги назарий хулосалардан ФА-Ф1-ГООЗ рақамли “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлимининг 2020 йил 15 октябрдаги 17.01/121-сон далолатномаси). Илмий натижалар асосида тежамлилик ва ортиқчаликнинг бадиий-эстетик вазифалари мукаммаллаштирилган;

мумтоз шеърятда лексик синонимларнинг қўлланиши билан боғлиқ лисоний ортиқчаликнинг бадиий вазифаларини Навоий лирикаси мисолида ёритишга оид назарий хулосаларидан ХТ-Ф2-004 рақамли «Ўзбек халқ педагогикаси ва фольклор аънаналари» мавзусидаги фундаментал илмий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 ноябрдаги 89-03-4405-сон маълумотномаси). Илмий натижалар тежамлиликка асосланган халқ оғзаки ижоди намуналарини таҳлил қилиш ва изоҳлашда назарий ва амалий манба сифатида хизмат қилган;

бадиий матн яратилишида шахснинг тил ҳақидаги билимлари фондини, ушбу фондда тежамлилик ва ортиқчаликнинг яшовчанлигини тадқиқ этиш ўзбек менталитетига хос бадиий фикрлаш тарзини чуқурроқ ёритиши ҳақидаги қарашларидан, ижтимоий фаолиятда намоён бўлувчи сиёсий-мафкуравий, фалсафий, ахлоқий, диний ва бадиий-эстетик қарашлар мужассам бўлган бадиий нутқнинг лингвопоэтик таҳлилида тежамлилик ва ортиқчаликнинг тил рўёбидаги ўрнини белгилаш хусусидаги хулосалардан ФА-Ф1-Г002 “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлимининг 2020 йил 15

октябрдаги 17.01/121-сон далолатномаси). Илмий натижанинг амалиётга татбиқ этилиши бадий нутқнинг лингвопоэтик таҳлилида тежамлилик ва ортиқчаликнинг тил рўёбидаги ўрнини белгилашда, бадий-эстетик вазифаларини бадий асар тили характеридан келиб чиқиб илмий текширишда муҳим асос бўлиб хизмат қилган;

семантик-синтактик номувофиқлик асосидаги тежамлиликнинг бадий-эстетик вазифаларини ўзбек халқ мақоллари асосида реаллашувини таҳлил қилиш ҳақидаги назарий хулосалардан ФА-А1-Г007 “Қорақалпоқ нақл-мақоллари лингвистик тадқиқот объекти сифатида” мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (ЎЗР ФА Қорақалпоғистон бўлимидининг 2020 йил 15 октябрдаги 17.01/121-сон далолатномаси). Тадқиқот натижаларидан халқ оғзаки ижодида тил бирликларининг ўзаро семантик-синтактик номувофиқлик асосида воқеланиши хусусидаги мулоҳазаларга мурожаат қилинганлиги ҳақида чиқарилган хулосалар асос бўлиб хизмат қилган;

тежамлилик ёки ортиқчаликнинг бадий матндаги ҳамда мулоқот жараёнидаги кўринишларига оид хулосалардан Навоий вилояти телерадиокомпаниясининг “Қадрият”, “Дахлдорлик туйғуси”, “Мозийга назар” сингари туркум кўрсатувларининг тегишли сонларида, “Ассалом, янги кун” тонгги дастурида, “Ўзбекистон 24” телеканали орқали эфирга узатилган “Мозийга назар” кўрсатувидеяси, Навоий вилоят радиоси орқали эфирга узатилган “Долзарб мавзу”, “Муносабат” эшиттиришларини тайёрлашда фойдаланилган (Навоий вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 26 октябрдаги 01-02/105-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатув ва эшиттиришлар учун тайёрланган публицистик, илмий-оммабоп материалларнинг шаклий-мазмуний жиҳатдан мукамаллашуви таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 13 та халқаро, 14 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 46 та илмий иш нашр этилган, жумладан, 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 17 та илмий мақола, улардан 4 таси хорижий журналларда чоп этирилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқотнинг умумий ҳажми 248 саҳифа.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Тилда тежамлилик ва ортиқчалик тамойиллари тадқиқи**» деб номланган. Бобда тежамлилик ва ортиқчаликнинг жаҳон, рус ва ўзбек тилшунослигида ўрганилиши, хусусан, амалга оширилган тадқиқотларда тамойилларнинг тил эволюциясидаги ўрни, тил сатҳларида содир бўлиш механизмлари, ўзаро диалектик муносабати, социологик, психологик омиллар билан алоқадорлигига доир ёндашувлар илмий баҳоланган.

Бобнинг биринчи бўлими “Тежамлилик ва ортиқчаликнинг жаҳон тилшунослигида ўрганилиши” деб номланган. Тилда тежамлилик ҳодисаси антик даврдан маълум бўлган бўлса-да, тил бирликларига нисбатан “*economy*” (иктисод) атамаси XVII-XVIII асрларда Европада сунъий тиллар яратиш бўйича лойиҳалар муҳокамаси муносабати билан тил структурасини унинг қисмлари ўртасидаги “иктисодий тақсимот” асосида белгилаш керак, деган фикр кенг тарқалиши билан кириб келган, бироқ тил иктисодиёти муаммосининг тизимли ривожланиши XIX асрга қадар бошланмаган. Дунё тилшунослигида тежамлилик масаласини илмий ўрганиш XIX асрнинг иккинчи ярмида Г.Спенсер, У.Уитни, Г.Суит, Ф. де Соссюр асарларида бошланган. Буюк британиялик философ Г.Спенсер (1820-1903) тежамлилик тамойилини эволюциянинг табиий қонунияти сифатида фалсафий жиҳатдан чуқур ўрганган, қонуниятга кўра, тил мураккабликдан оддийликка қараб ҳаракатланади: узун сўзлар қисқа тарзда шаклланади, кўп сўзли гап бир сўзли гапга айлантиради¹. XIX аср охири XX аср бошларида инглиз тилида фонетик, морфемик, эллиптик қисқарувлар шиддат билан кечган, масалан: *phone* < *telephone* – “телефон”; *fan* < *fanatic* – “энтузиаст”; *gym* < *gymnasium* – “гимнастика зали”; *gas* < *gasoline* “бензин”; *movie* < *moving pictures* – “кино” каби². Америкалик тилшунос У.Уитни (1827-1894) сўз шаклининг ўзгаришига олиб келувчи кўпгина ҳодисаларнинг асосий сабаби “мойиллик” деб қараган³. У муайян оппозицияга йўналтирилган ҳодисалар (тежамлилик ва ортиқчалик) мавжудлигига қарамай, уларнинг айримлари

¹ Спенсер Г. Основные начала. – Киев: Типография А. Давиденко, аренд. Л. Штамом, 1886. – С.171-172.

² Қаранг: Marckwardt. A.N. American English. – New York, 1958. – P.93.

³ Whitney W. D. Language and the Study of Language. Twelve Lectures on the Principles of Linguistic Science. – New York: Charles Scribner & company, 1867. – P.410.

(тежамлилик) муайян пайтда устунлик қилиши мумкин, деган фикрни тақдим этган. Сақлаб қолишга мойиллик сўзларни қисқартиришга табиий сабаб бўлса, унинг энг катта кўриниши матннинг ихчамлашишидир. Унинг фикрича, қисқариш, бир томондан, барҳам берувчи куч бўлса-да, яратувчи куч ҳамдир, акс ҳолда, мураккаб сўзлар доимий бир хил шаклда қотиб қолар эди. У.Уитни, асосли тарзда, “сўз санъати”нинг юқори даражадаги малакаларини ўзлаштириш жараёнида инсонларнинг нутқ органлари аниқроқ фарқланадиган ва такомиллашган маъно товланишларига эга шаклларни яратиши ва ундан фойдаланиши мумкин, деган фикрга келган, фикрини катта ёшдаги сўзловчиларнинг муайян тилда юқори даражага етган нутқий маҳорати билан асослаган ва натижада вақти келиб улар яратган шакллар меъёрга айланишини айтган¹. У.Уитни билан баравар равишда Г.Суит тежамлиликни ўрганиш билан шуғулланган. Унинг тадқиқот натижалари ва У.Уитни хулосалари бир-бирига ўхшаб кетади. Г.Суит инглиз тилида фонетик ўзгаришларнинг сабабларини ўрганиш орқали товушлар эволюциясини қайта ишлаб чиққан. Шу билан бирга, сўз охирида келувчи товушларнинг кўпинча заифлашганини ёки умуман ўқилмаслигини пайқаган, аммо бу тингловчиларнинг сўз маъносини тушунишларига тўсқинлик қилмаслигини, тушуниш аслида мантиқ билан боғлиқлигини таъкидлаган. Олимнинг фикрича, мантикий зарурият органик ва акустик қонуниятлар билан тўқнашиши мумкин².

XX асрда тежамлилик масалалари Г.Фрей, Ш.Балли, А.Мартине, П.Пасси, Г.Пауль, К.Сунден, Л.Блумфилд, Г.Грейс, О.Есперсенлар томонидан тизимли ўрганилган. Г.Фрейнинг тил экономияси борасидаги фикрлари диққатга сазовор, у нутқий фаолиятда экономиянинг нутқ орқали кечувчи экономия ва хотира орқали кечувчи экономия кўринишлари мавжудлигини таъкидлаган³. Г.Фрей илк бор ўзаро фарқланувчи қисқаришлар, эллипсислар, қисқартмалар каби тежамлилик кўринишларига сўзлашув тилининг бойлиги сифатида қараб, тамойилнинг фаол амал қилиш ўрнини белгилаб берган. Қисқаликнинг зарурати сифатида сўзлар жамланмаси ўрнида бир сўзни қўллаш, эргаш гапдаги сифатдош оборотлари ва бошқаларни нисбатан қисқартириш кўрсатиб ўтилган. Г.Фрей уларни “тил константалари” деб атаган⁴.

Тадқиқотлар мазмунининг кенгайганлиги П.Пассининг тил экономияси инсоннинг онгли аралашувисиз юзага келиши масаласини кўтарганлигида⁵, К.Сунденнинг қисқартирилган лексик бирликларнинг пайдо бўлиши сўзловчининг хабарни етказиш зарурати билан боғлиқ бўлган эмоционал ҳолатига кўра юзага келишини асослаганлигида⁶, Ш.Баллининг эллипсиснинг

¹ Whitney W.D. Кўрсатилган манба. – Б. 412.

² Sweet H. A Handbook of Phonetics. – London: Oxford: Clarendon Press, 1877. – P. 49.

³ Пауль Г. Принципы истории языка. – М.: Иностр. лит., 1960. – С. 302.

⁴ Frei H. La grammaire des fautes. – Paris: Geuthner, 1929. – P.108.

⁵ Passy P. Etude sur les changements phonetiques et leurs caracteres generaux. – Paris: Geuthner, 1990. – P. 229.

⁶ Sunden K. Contributions to the Studies of Elliptical Words in Modern English. – Uppsala, 1904. – P. 49.

назарий-амалий асосларини белгилаб берганлигида¹ яққол кўзга ташланади. Бироқ тадқиқотларда анъанавий тарзда тежамлилик моҳиятини миқдор нуқтаи назаридан белгилаш ғояси етакчилик қилади.

XX асрда тил, хусусан, матннинг ижобий хусусияти сифатида ортиқчалик ахборот назариясининг пайдо бўлиши ва ривожланиши муносабати билан тегишлича кўзга ташланди, ортиқчалик адресат томонидан ахборотни етарли даражада қабул қилишни таъминловчи зарурий шарт сифатида қарала бошланди. Ушбу масала юзасидан А.Мартине, Г.Глисон, К.Шеннон, А.Греймас, О.Есперсен жиддий шуғулланишган. Тадқиқотларда ортиқчалик юзасидан билдирилган фикрлар турли-туман: Г.Глисон ортиқчалик сўзловчиларга бевосита фойда келтирса-да, тилни таҳлил қилиш ва таърифлашда тилшунос учун муаммо туғдириши ҳақида, Г.Пауль ортиқчалик тилда салбий ҳодиса эканлиги тўғрисида фикр билдирган, инженер К.Шеннон ортиқчаликни криптоанализнинг асоси деб белгилаб, махфий ёзишмалар учун ишлатиладиган шартли белгилар мажмуини айнан ортиқчалик юзага келтиришини асослаб берган ёки А.Греймас француз тилшунослигига семалар ортиқчаллиги билан алоқадор тарзда юзага келувчи *изотопия* тушунчасини олиб кирган. О.Есперсен биринчилардан бўлиб гапда қўлланган ортиқчалик мантикий нуқтаи назардан кумулятив баҳо ифодалаётган бўлса, демак, мантиқсиз деб қараш ноўринлигини, ортиқчалик стилистик планга дахлдорлигини “Мен ҳеч қачон рози бўлмайман” гапининг “*Мен ҳеч қачон рози бўлмайман, ҳар қандай шароитда ҳам, ватанда ҳам, чет элда ҳам*” (*I shall never consent, not under any circumstances, not on any condition, neither at home nor abroad*) тарзидаги кенгайтирилган типи мисолида изоҳлаган. О.Есперсен фикрича, воқеликни битта гап билан юзага келтириш лозим ёки иккита гап билан юзага келтириш лозим деб чегара қўйиб бўлмайди², бунда муайян прагматик мақсад эътиборга олинади.

“Тежамлилик ва ортиқчаликнинг рус тилшунослигида ўрганилиши” деб номланган иккинчи бўлимда аксарият тилшуносларнинг (И.А.Бодуэн де Куртенэ, Б.А.Серебренников, В.А.Богородицкий, Е.Д.Поливанов, Б.А.Инфантова, И.Р.Гальперин, В.В.Борисов ва бошқалар; туркий тиллар мисолида А.Н.Кононов, А.М.Щербак, М.М.Адилов, М.И.Юсифов, С.Б.Бизаков, Д.А.Салихова ва бошқалар) тил ресурсларининг тежалишини тил тараққиётининг умумий қонунларидан бири сифатида тушунтиришлари, тежамлилик оғзаки нутққа хослиги, янги асрда ҳам тил тежамлилиги муаммосига оид асарларнинг аксарияти оғзаки диалогик нутқ таҳлилига бағишланганлиги, шунингдек, тежамлилик асосида юзага келувчи ҳодисаларнинг ўрганилиши каби масалалар ёритилган.

Замонавий тижорат рекламаси иқтисодий муносабатлар соҳасида коммуникатив функция бажаришини эътиборга олиб, Е.Борисова,

¹ Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. – М.: Иностр. лит., 1955. – 416 с.; Балли Ш. Французская стилистика. – М.: Иностр. лит., 1961. – 394 с.

² Есперсен О. Философии грамматик. – М.: Иностр лит., 1958. – С. 313.

Ю.Пирогова, В.Левит¹, Е.Кара-Мурза, Л.Зими́на, И.Александрова рекламанинг структур, семантик хусусиятларини ўрганишган. Газета рекламаси – шакл ва семантик зичлик билан ажралиб турадиган реклама. Эълон аниқ мақсадли йўналишга эга бўлиб, реклама қилинаётган объектнинг хусусиятлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади, истеъмомчи манфаатларига йўналтирилади ва ушбу жиҳатлар адресантнинг асосий мотивини белгилайди. Реклама жанри ўзига хос мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, аниқ кўзланган ва “зичланган” ахборот тақдим этиш услуги эканлиги билан ажралиб туради. Услуга бундай ёндашувнинг асосий мезони матннинг ташқи қисқалиги эмас, балки тил ва мазмун ўртасидаги нисбатни ифодаловчи воситаларнинг танланишидир. Эълонда бу нисбат муайян мазмунни ифодалаш учун зарур бўлган тил ресурсларининг максимал тежалиши билан характерланади, натижада оммавий коммуникация назарияси билан боғлиқ ҳолда тежамлилиқ тамойилини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилади.

Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида рус тилшунослигида ортиқчаликка доир амалга оширилган кузатишлар тамойилнинг моҳияти ҳақида жуда муҳим хулосаларга келиш имконини бериши В.А.Звегинцев, Н.И.Жинкин, Р.Г.Пиотровский қарашлари билан бойитилган. Н.И.Жинкин ички нутқ тили ҳақидаги гипотезани илгари суриб, ички нутқ тили ортиқчаликдан холи эканлигини, ортиқчалик тингловчининг мавжудлиги билан боғлиқ ҳолда юзага келишини таъкидлаган². Рус тилшунослигида ортиқчалик тамойилига нисбатан “кераксиз” тушунчасидан кўра, “аҳамиятли” тушунчаси кўпроқ ёқланади³. Ортиқчаликнинг маълум эҳтиёж талабига кўра намоён бўлиши плеоназм ҳодисаси (плеоназм (юнон. *pleonasmus* - ортиқчалик) ўхшаш (бир хил) маъноли элементларнинг «ортиқча» қўлланишидан юзага келади⁴) мисолида И.Б.Голуб, Л.И.Василевская, М.Н.Кожина ва бошқалар томонидан рус тили материаллари асосида ўрганилган. Г.Благова плеоназмда аффикс, сўз, сўз форма ёки синтактик конструкцияларнинг маълум элементи такрорланиши, шунга кўра, плеоназм ҳар доим ҳам грамматика ва стилистиканинг предмети сифатида фарқланмаслигини таъкидлаган⁵.

¹ Борисова Е.Г., Пирогова Ю.К., Левит В.Э. Имплици́тная информация в рекламе и пропаганде // Имплици́тность в языке и речи. – М., 1999. – С. 145-151; Пирогова, Ю. К. Языковая игра в коммерческой рекламе // Рекламный текст: Семиотика и лингвистика. – М., 2000. – Гл. 4. – Разд. 1. – С. 167-190; Кара-Мурза Е.С. Русский язык в рекламе // Русский язык за рубежом. – М., 2001. – № 4. – С. 80-87; Зими́на Л. Принцип экономии в современной рекламе: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – М., 2007. – 27 с. Александрова И. Ю. Психосемантический анализ имплицитной теории рекламы в студенческой аудитории // Социология. – М., 2000. – № 12. – С. 65-70.

² Жинкин Н. И. О кодовых переходах во внутренней речи // Вопросы языкознания. – М., 1964. – № 6. – С. 26-36.

³ Гальперин И.Р. Информативность единиц языка. – М.: Высшая школа, 1974. – С. 84; Серебренников Б.А. Об относительной самостоятельности развития системы языка. – М.: Наука, 1968. – С. 82.

⁴ Розенталь Д.Э., Теленкова М.А. Словарь-справочник лингвистических терминов. – М.: Просвещение, 1976. – С. 286.

⁵ Благова Г.Ф. Тюркский аффиксальный плеоназм в сравнительно-историческом и ареально-лингвистическом освещении // Вопросы языкознания. – М., 1968. – № 6. – С. 81.

Е.В.Грудева ортиқчаликнинг тежамлилик билан ўзаро муносабатини эллипсис ва редукция ходисалари мисолида ўрганган, таъкидланишича, синтаксис учун ноэллипсислашиш қоидалари шарт эмасдир, тил бирликлари осон тушириб қолдирилганидек (эллипсис қоидалари), улар яна осон такрорланади (ортиқчалик қоидалари)¹. Шунингдек, кучли ҳаяжондаги сўзловчи кўпинча энг кам бўғинли сўзлардан фойдаланишга ҳаракат қилади, бироқ урғу воситасида ана шу сўз бўғинини кучлироқ талаффуз қилиш орқали сўз маъносини оширади. Урғу содир бўлганда сўзловчи одатдагидан кўпроқ артикуляцион энергия сарфлайди, бу эса ортиқчалик билан алоқадор тарзда аксланишга олиб келади. “Эллипсис – контекст ёки ситуация билан боғлиқ ҳолда матнда қайта тиклаш мумкин бўлган ифода бирликларини тушириш, редукция – синтактик ифодада (семантик) аргумент сифатида ситуацияни ёпиқ ифодаловчи тил бирлиги”². Демак, ортиқчаликнинг ушбу фонетик кўриниши сўзнинг абстракт вазифасини “жонлантиради”.

Бобнинг учинчи бўлими “Тежамлилик ва ортиқчаликнинг ўзбек тилшунослигида ўрганилиши” деб номланган. М.Кошғарий туркий уруғ ва қабилалар тилида маълум бир сўзда енгиллатиш, қисқаришнинг юзага келишини ўша сўзнинг истеъмолда кўп қўлланиши билан белгилаган, фонетик қисқаришлар натижасида сўз ўртасида товуш тушиши (*тақагу > товук*), иккилантирилган ундошлар ёки ёнма-ён келган икки ундошдан бирининг тушиши (*суққу > суқу (ҳовонча), јазқу > јақу (ёмғир ёпинчиғи) каби*), сўз охиридаги товушларнинг тушиши (*чїбїқ чїб (кичик, ингичка, новда)*) кишиларнинг талаффузни енгиллатиш мақсади билан сўзларни қисқартириб қўллашга ҳаракат қилганликлари натижаси эканлигини айтган³.

Тил бирликлари қисқариши билан боғлиқ тежамлилик муаммосига дастлабки тавсифий, илмий грамматикалар (А.Фитрат, А.Н.Кононов, О.Усмонов, Ф.Камол, А.Ғуломов, Ф.Абдуллаев, С.Муталлибов, Л.В.Щерба, А.М.Шчербак, А.Ишаев, Х.Д.Дониёров, Р.Қ.Қўнғуров), монографик тадқиқотлар (Ш.Раҳматуллаев, Ҳ.Жамолхонов, М.Миртожиев) яратилган пайтлардаёқ қисман эътибор берилган, бироқ тежамлилик тамойили юзасидан дастлабки тадқиқотлар XX асрнинг 70 йилларида вужудга келган.

Профессор А.Нурмонов коммуникация жараёнида фонетик бирликларда юзага келган қисқаришга нисбатан “экономия” (тежамлилик) термини қўлланганлигини, анлаутларда, урғусиз бўғинларда, шунингдек, товуш тушиши билан алоқадор ходисаларда юзага чиқишини кўрсатган ҳолда, туркий тиллар билан қиёсан тарихий-генеологик аспектда ўрганган⁴. Бу борада профессор Ж.Элтазаров фаолиятига батафсил тўхталиш лозим. Олим

¹Грудева Е.В. Избыточность текста, редукция и эллипсис (на материале русского языка): Автореф. дисс. ...д-ра. филол.наук. – Санкт-Петербург, 2008. – С. 35.

²Грудева Е.В. Кўрсатилган манба. – Б.8.

³Бу ҳақда қаранг: Кошғарий М. Девону луғотит турк. Уч томлик. III том. / Нашрга тайёрловчи С. Муталлибов / – Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1963. – Б. 246; I том. – Т., 1960. – Б. 309.

⁴Нурманов А. Принципы экономии в фонетических изменениях узбекского языка: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Т., 1973. – 28 с.

“Тежамлилик тамойили ва қисқарув” номли монография¹сида тежамлилик тамойилининг тил системаси қонунияти сифатидаги мураккаб табиати, юзага келиш формаларининг хилма-хиллиги, тилшуносликда тежамлиликка оид фикрлар, қарашларнинг айримлари бир-бирини тўлдирса, айримлари бир-бирини инкор этишига муносабат билдирган, қисқарувни тежамлиликнинг хусусий кўриниши сифатида тадқиқ қилган. Олимнинг “тежамкорлик тамойилининг таъсири тилнинг ортиқчаликка интилиши тенденцияси билан бартараф қилиб турилади” деган фикрлари мазкур икки тамойилнинг мустаҳкам диалектик алоқада бўлиши, ўзаро нейтраллашуви қонуниятларига тўла мос келади.

Профессор Н.Маҳмудов семантик, ситуатив ҳамда контекстуал эллипсис турларини юзага келтирувчи омилларни чуқур ўрганиб, сўзлашув нутқи ҳамда бадий асар материаллари асосида тадқиқ қилган, ишда илк бор анафорик эллипсис халқ мақоллари мисолида таҳлил қилиб берилган². Олим сўзлашув нутқида кесими кўпинча яширинган ҳолда қўлланувчи, аммо тугал мазмун англашиниб турувчи “*Сизнинг соғлигингиз учун*”, “*Янги йилингиз билан*” каби гапларда феъл-кесимни тиклаш шарт эмаслигини, бу каби гаплар эллипсис билан алоқадорлигини алоҳида қайд этган³. Ф.Ибрагимова эллипсис ва антиэллипсис ҳодисаларини лингвопоэтик нуқтаи назардан тадқиқ этиб, тежамлилик ва ортиқчаликка мансуб икки ҳодисани қиёсий типда ўрганган⁴. Шунингдек, тежамлилик тамойили баъзи троплар – метонимия, синекдоха метафоралар каби тил ҳодисаларини ҳам қамраб олишига муносабат билдирилган⁵.

Ўзбек тилшунослигида ортиқчалик тамойили юзасидан дастлабки йирик тадқиқот Н.Маҳкамов томонидан амалга оширилган, ишда ортиқчалик ҳодисаси саналувчи плеоназмнинг турлари, уларни вужудга келтирувчи факторлар, плеонастик қўлланган тил элементларининг семантик ва стилистик функциялари, нормал ва анормал ҳолатлари кўрсатиб берилган, иш мазмуни аффиксал ва лексик-аффиксал плеоназмларнинг лингвистик табиати ва стилистик қимматига қаратилган⁶. Плеоназм ортиқчаликка асосланган бадий усул саналади, тилнинг ҳар бир сатҳида кузатилувчи ортиқчаликнинг турли хусусий кўринишларига нисбатан ушбу терминни қўллаб бўлмайди, ортиқчаликнинг кўламини чегаралаб қўяди, шунга кўра, биз ишда лингвопоэтик мақсад билан ортиқча қўлланган тил birlikларининг

¹ Элтазаров Ж. Тилдаги тежамлилик тамойили ва қисқарув. Монография. – Самарқанд: СамДУ, 2004. – Б.44.

² Маҳмудов Н. Эллипсис в узбекском языке: Дисс. ...канд. филол. наук. – Т., 1977. – 110 с.

³ Маҳмудов Н. Эллипсис в узбекском языке: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Т., 1977. – Б.18.

⁴ Ибрагимова Ф. Бадий матнда эллипсис ва антиэллипсис: Филол.фан. номз. ...дисс. автореф. – Т., 2011. – 26 б.

⁵ Миртожиев М. Ўзбек тилида эллипсис натижасида синекдоханинг содир бўлиши // Ўзбек тилшунослиги масалалари. 475-чиқиши. – Т., 1975. – Б.59-63; Шукуров И. Эллипсис сабабли отларда нутқий метонимиялар содир бўлиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1982. – №3. – Б.44-46; Қобулжонова Г.К. Метафоранинг системавий лингвистик талқини: Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Т., 2000. – 24 б.

⁶ Маҳкамов Н. Адабий норма ва плеоназм. – Т.: Фан, 1988. – 96 б.

турли кўринишларини аниқлаштириб тадқиқ этганимиз учун ортиқчалик терминини қўллашни маъқул топдик.

Б.Шеронов шакл ва мазмун муносабатида номувофикликни юзага келтирувчи синтактик ортиқчалик ҳодисасини моносубъектли, полисубъектли гаплар, инкор гаплар ҳамда изоҳловчили гаплар, ажратилган бўлақлар орқали тадқиқ қилиб, ишда тежамлилик ва ортиқчаликнинг диалектик алоқасига қисман эътибор қаратиб ўтган¹.

Тежамлилик ва ортиқчаликнинг лингвопоэтик хусусиятларини ўрганиш ушбу тамойилларнинг “қиёфа”сини янада тўлиқроқ аниқлаб беради. Кузатишлардан аниқланадики, бадий матнда тежамлилик нисбатан кўп кузатилади, бу тилнинг миллий-маданий табиати билан ҳам боғлиқ. Энг муҳим натижа шуки, ушбу тамойилларнинг тил меъёрига нисбати лингвопоэтик ёндашув асосида тақдим этилса, тамойилларнинг бадий-эстетик пландаги имкониятларининг яна бир муҳим жиҳати сифатида моҳиятини топади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Кўчим асосидаги тежамлиликнинг лингвопоэтик имкониятлари**» деб номланган. “Метафорик тежамлилик лисоний-бадий феномен сифатида” деб номланган биринчи бўлимда метафорик тежамлиликнинг бадий коммуникациядаги лингвопоэтик хусусиятлари “инсон” бадий концепти доирасида ёритилган.

Ижодкор тафаккур фаолиятининг когнитив даражасида образли концептлар намоён бўлади, бирор воқелик мазмуни янгича тус олаётганда, инъикос стандартлаштирилган фикрларга бўйсунмасдан, бетакрор ифодалар кашф қилади, масалан, ушбу омиллар миллий-маданий дунёқарашга асосланган метафорик тежамлилик типиди воқеланиб, ижодкорнинг бадий нияти билан уйғунлашади. Метафоранинг семантик-структур планида “кенг мазмун + ихчам шакл” модели устунлик қилса, ушбу қискартирилган қиёс когнитив планда тафаккур ва маданият ҳамкорлиги, лингвопоэтик планда бадий-эстетик умумлашма саналади. Масалан: *Агар шу жонворлар мендан сармуншийликни тинчлик билан олсалар, ўзимни жуда ҳам бахтлик кишилардан санар эдим...* (А.Қодирий, Мехробдан чаён) мисолида сармуншийлик лавозимига тайинланган Анварга Султонали бу лавозим эгасига отга миниб юриш ярашишини айтганда, Анвар рад этади ва бу лавозимни эгаллаш учун ҳар қандай қабиҳликдан тоймайдиган кишилар борлигини ёддан чиқармасликни уларни “*жонворлар*” деб аташ орқали ишора қилади. *Жонвор* сўзи жинс-тур муносабатида жинс тушунчасини ифодалайди, метафорада қуйидаги тушунчалар яхлитланган: бир неча шахснинг характер-хусусиятларидаги умумийлик, ўхшашлик (1), сўзловчининг салбий муносабати (2) кабилар.

¹ Шеронов Б. Ўзбек тили гап қурилишида лисоний ортиқчалик: Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Т., 1996. – Б.20.

XX аср сўнгида Ж.Лакофф ҳамда М.Жонсон концептуал метафораларни инсон тафаккури ҳосиласи сифатида ўрганиб, бизнинг кундалик концептуал тизимимиз, бизнинг фикрлашимиз ва хатти-ҳаракатимиз ҳам ўз моҳиятига кўра метафорик эканлигини таъкидлаганлар¹. Инсоннинг нутқий фаолияти, фикрлашининг метафорага бойлиги тилнинг моҳиятан метафора яратиш имкониятлари чегарасиз эканлиги билан белгиланади, деярли ҳар бир сўзни ўхшатиш асосида шакллантириш имкони мавжуд бўлиб, бунда метафора таянч когнитив механизм сифатида хизмат қилади, метафора – нафақат образлилик воситаси, балки бир сўзда икки маънонинг уйғунлашуви, ментал хусусиятлари ифодачиси², улар ўртасида мисоли кўприк. Ўзаро ўхшатилаётган объектлар воқеликда бир-биридан қанча узоқ бўлса, улардаги таъсирчанлик шунча ёрқинлаша боради³, шу маънода, ижодкор индивидуал метафора яратар экан, миллий-маданий тафаккурига таянмай қўймайди, метафора ижодкор-асар-китобхон учбурчагини ҳосил қилиб, уларни бир-бирларига яқинлаштиради.

Бобнинг иккинчи бўлими “Метонимик тежамлилиқнинг лисоний-бадий хусусиятлари” деб номланади. Метонимиянинг тежамлилиқ асосида воқеланиши эллиптик характерда бўлиб, бадий матнда метонимик қўлланишлар кўпинча «инсон» концепти билан боғланиб лингвопоэтик қимматга эга бўлиши масаласи очиқ берилган. Маъно кўчишига асос ва объект бўладиган муҳим белгиларнинг биринчи асосий хислати уларнинг объектив бўлишидир⁴. Инсоннинг мантиқий тафаккурида тушунча ва образлар умумлашмаси инъикос этар экан, бирламчи маънонинг “қайта ишланиши” асосида иккиламчи маъно юзага келтирилади. Инсон тасавури – индивидуал, воқелиқнинг идрок ёки ҳис қилиниши барчада ҳам шу асосдаги образли тасаввурни яратавермайди. Мисол: *Сизлар қайси Чехов тўғрисида гапирётибсизлар? Чойдан қуй!.. Бу Чехов ҳақидами? Тўғри, бу 1904 йилнинг биринчи ярмидами, иккинчи ярмидами ўлган... Бошқа рўмолча бер, бундан ниёз ҳиди келаётинти. Мен ана у Чехов, илк буржуазия реализмининг намояндаси бўлган Чехов ҳақида сўзлаётиман.*

— **"Уйқу истаги"** қайси Чеховники? — деди Ҳамида. (А.Қаҳҳор, Адабиёт муаллими).

Бу ўринда талаба қиз поччасидан бежизга Чеховнинг айнан “Уйқу истаги” ҳикояси ҳақида сўрамаган. Метонимия орқали икки ҳолатга ишора қилинади. Биринчиси, адабиёт муаллимининг сўзлари шу қадар ёлғон ва зерикарлики, ўзини мажбурлаб тинглаётган қизда уйқу истаги туғилади ва бу ҳолатни устомонлик билан шундай яширадики, метонимия асосида юзага

¹ Лакофф Дж., Джонсон М. Метафоры, которыми мы живём. – М.: Едиториал УРСС, 2004. – С. 25.

² Чудинов А.П. Динамика концептуальной метафоры в политической речи // V Житниковские чтения: Межкультурная коммуникация в когнитивном аспекте. – Челябинск, 28-29 мая 2001. – С. 45.

³ Маслова В.А. Лингвокультурология: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. – М.: Академия, 2001. – Б.88.

⁴ Хажиев С. Сўз маъносининг кўчиши билан боғлиқ лингвистик ходисалар: Филол.фан.номз. ...дисс. автореф. – Т., 2007. – Б. 23.

келган кинояни қаҳрамон (Боқижон Бақоев) англаб етмайди. Метонимия воситасида бу ўринда айнан иккиламчи маънога ишора қилинган. Иккинчидан, ҳақиқатан ҳам ҳикояда уйқу истаги ҳақида фикр юритилган. Ҳикояда Варка исмли ўн уч яшар энага қизнинг тинимсиз йиғлайдиган чақалоқни тебратиб ўтириши, хўжайинининг тинимсиз кичкина Варкага ҳар хил оғир юмушларни бериб югуртириши, бу аҳволнинг ҳар куни такрорланаверишидан ҳолсиз бўлиб, хаёлини ушлаш ҳисси буткул эгаллаб олган қизчанинг охир-оқибат чақалоқни бўғиб ўлдиришидек аянчли қисмат ҳикоя қилинган. Тўхтовсиз ёлғонларни гапириб, қизни бездириб юборган “Адабиёт муаллими” ҳикояси қаҳрамони Боқижон Бақоевни тинглаган одамда ҳам уйқу истаги туғилади. Агар Боқижон Бақоев бу ҳикояни ўқиган бўлганда эди, қизнинг нимани назарда тутганини билган бўлар эди. Абдулла Қаҳҳор бу ўринда айнан тежамлилиқка асосланган метонимияни шундай маҳорат билан қўллаганки, ёзувчи интенцияси метонимия воситасида яширилган.

Сўз ҳар бир тил учун хусусий бўлгани каби концепт ҳам хусусий характерга эга, чунки концепт орқали миллий-маданий дунёқараш намоён қилинади. Бадиий нутқда жонли нутқда бўлгани каби “инсон” концептининг метонимия воситасида реаллашиши ўзбек халқининг дунёқарашини, она тилининг миллий-этник хусусиятлари билан қоришиқ тарзда вужудга келади. Масалан:

– *Ким бир вазифада умр бўйи қолган бўлсин.*

– *Қолганлар кўб. Масалан, Муҳаммад Ражаббек махдум; Муҳаммадалихон замонидан бери девон билан олишиб келар эди.* (А.Қодирий, Мехробдан чаён). Синтактик ихчамлашув семантик торайишга олиб келмайди, семантикага путур етмаган ҳолда, структурада қисқариш юзага келади, қаратувчи + қаралмиш (*девон(нинг) мунийлари*) конструкцияси қаралмиш (*девон*) моделида “инсон” семасига ишора қилиб, ўқувчида «инсон» бадиий концептини воқелантиради.

Бадиий матнда метонимик қўлланишлар «инсон» концепти билан боғланиши (*газетанинг хатоси → газета мухбирининг хатоси; газета айтди → газета муҳаррири айтди; ферма сизирларни машинада соғишга ўтган → фермадаги сўт соғувчилар сизирларни машинада соғишга ўтган; шаҳар билади → шаҳар аҳли билади*) лингвопоэтик таҳлил қилинган.

Шунингдек, синекдоха метонимия таркибида ўрганилиб, тежамлилиқ тамойили асосида “инсон танасининг бир қисми < инсон” модели асосида ҳосил қилинган синекдохалар салмоқли ўрин эгаллаши «инсон» концептини ифодаловчи бўлак номидаги от сўзли синекдохалар ва бутун номидаги от сўзли синекдохалар мисолида таҳлил қилинган.

“Киноя ҳамда окказионаллик асосидаги тежамлилиқнинг лингвопоэтик хусусиятлари” деб номланган учинчи бўлимда киноя воситасида салбий муносабатнинг кўчма маънода қисқа, лўнда ихчам, образли ифода этилиши турли прагматик мақсадни воқелантириши, шунингдек, семантик, ясама

ҳамда фразеологик окказионализмларда тежамлилик шакл ва мазмун номувофиқлиги асосида юзага келиши лингвопоэтик таҳлил қилинган.

Киноявий маънонинг ҳосил бўлишидаги муҳим ҳолат – “зиддиятларни бирлаштириш” ҳодисаси матнда сўзнинг ўз маъносига зид маънони англантишида кўринади. Киноявий маъно англатаётган сўз яширин тарзда асл маъноси билан ёнма-ён қўйилиши натижаси ўлароқ, шаклий-мазмуний номувофиқлик касб этади, бир пайтнинг ўзида лексик маъно кўчма маънони очишга “кўмаклашади”, киноя аслида шакл ва мазмуннинг зид муносабатига асосланган усулдир. Масалан, *Отабек... Офтоб ойимнинг бир қанча яхши тилаклар билан бўлган дуосига ҳам ишончсиз қўл кўтарди ва машъум «орзу»нинг бундоғ яхши дуоларни ост-уст қилишини ўйлади* (А.Қодирий, Ўткан кунлар) мисолида кўштирноққа олинган “орзу” сўзи ота-онасининг яна ўйлантириш истаги Отабек учун акс маънода тушунилганлигини кўрсатади. Иккинчидан, киноя матнда *орзу* сўзининг ўз маъносига зид бўлган *машъум* сўзи билан бирикканлигида ҳам яққол англашилиб турибди. Зеро, роман воқеалари билан танишиш жараёнида ўқувчи ота-она “орзу”сининг келтириб чиқарган машъум оқибатларини яна бир бор фаҳмлайди. Ушбу матнда *яхши тилаклар, дуосига ҳам ишончсиз қўл кўтарди, машъум* каби бирликлар “орзу” киноясининг маъносини тўлдиради, шу сабаб киноя “айёрона сукут” сифатида эътироф этилади¹. Биргина сўз ёки жумла билан эксплицит мазмунни очиб бериш киноя воситасида юзага келган тежамлиликнинг мазмун структурасига хос энг характерли жиҳат саналади.

Шунингдек, окказионализмлар орқали ижодкорнинг бадиий-эстетик мақсади – шахслар, воқеа-ҳодисалар, табиат ҳақидаги ёки уларнинг белгилари, ҳолатлари, ҳаракатлари тўғрисидаги эмотив, субъектив муносабати бадиийёна йўсинда бир сўзда образли ифодаланиши тежамлиликнинг бадиий матндаги моҳиятига тўла мос келади. Масалан, С.Саййид шеърлятида *-чилик, -кор, -каш, -парвар, -зор, -лаш, -ий, -дор, -она, сер-* каби маҳсулдор сўз ясалиши қолиплари асосида яратилган *шоҳчилик, нолакор, наъракор, фаровончилик, аламкаш, меҳрпарвар, бўсазор, нолазор, солимлашур, умрий, осмоний, мамлакатдорлик, султонона, сертахлика* каби шакл ва мазмун номувофиқлиги асосида юзага келган ноодатий ясалмаларда индивидуал неологик хусусият, ижодийлик яққол сезилади. Маълумки, *-чилик* мураккаб аффикси от ёки сифатлардан касб-ҳунар, фаолият-жараён, ҳолат билдирувчи от ясайди: *қассобчилик, ошначилик, хурсандчилик* каби. Масалан, Шайбонийхонга нисбатан айтилган *Шоҳчилик-да, битгач ранжу риёзатлар, Тузар эди ҳар хил зиёфатлар* (С.Саййид, Шайбонийхон ва Ҳусайн Удий) байтидаги салбий бўёққа эга бўлган *шоҳчилик* окказионал ясалмаси иккинчи бир кўчма маънога – кинояга ишора қилиб, Шайбонийхоннинг амалларига, шоҳ истаган ишини қилишга қодирлигига аччиқ қочирим

¹<https://www.dissercat.com>. Гомлешко Б.А. Языковые средство выражения иронии в художественных текстах. Джона Голсуорси: лингвопрагматический аспект (на материале языка романа «Сага о Форсайтах»): Автореф. дисс. ...канд. филол.наук. – Майкоп, 2008. – С. 9.

мазмунини ифодалаш учун ишлатилган. Биргина сўз орқали Шайбонийхон шахси китобхон кўз олдида тиклаб берилган.

Диссертациянинг “Синтактик сатҳдаги тежамлиликнинг лингвопоэтик имкониятлари” деб номланган учинчи бобида тежамлилик сўз-гаплар, новербал воситалар, тасдиқ-инкор мазмунининг семантик-синтактик номувофиқлиги ҳамда эллипсис турларининг бадий коммуникацияда қўлланиш кўлаמידан келиб чиқиб лингвопоэтик таҳлил қилинган. Бобнинг биринчи бўлими “Сўз-гапларнинг лингвопоэтик хусусиятлари” деб номланган. Муаллиф нутқидан фарқли ўлароқ, бадий матнда қаҳрамон нутқи характерловчи, фарқловчи, психологик функцияларга эга бўлиб, нутқ портретининг ушбу вазифалардан келиб чиқиб ўзига хос структурал-семантик қиёфага эга бўлиши матнда аниқ ажралиб туради, аслида бадий матнда қаҳрамоннинг ички портретини унинг нутқи каби тўлақонли очиб бера оладиган иккинчи бир самарали воситани топиб бўлмайди. Демак, ифоданинг ташқи ва ички қурилиши қаҳрамоннинг нутқ портретини характерлайди. Қаҳрамон нутқи учун танланган гап моделлари лисоний тежамлиликка алоқадорлиги сўз-гаплар мисолида кузатилади. Масалан:

– *Хой, айткандек, Отабекни кўрдингизми?* – деб *Офтоб* ойимдан сўради:

– *Йўқ.* (А.Қодирий, *Ўткан кунлар*).

Тингловчи “*Йўқ, мен Отабекни кўрмадим*” дейиши ҳам мумкин эди, бироқ моҳиятни англаш учун савол берувчи ва жавоб берувчи кишилар, яъни илк маротаба учрашиб турган Ўзбек ойим ва *Офтоб* ойим ўртасида ушбу савол-жавоб орқали улар учрашгунларига қадар ўрталарида мураккаб психологик муносабат мавжуд бўлганлигини, Ўзбек ойим ана шу муносабатни юмшатишга ҳаракат қилаётганини англаш қийин эмас. Бироқ *Офтоб* ойимнинг биргина “*йўқ*” сўзи билан жавоб бериши унинг муносабати қандай эканлигини мавҳумлаштирган, яширган, қудалари билан илк марта учрашиб турган ва қизининг кундошининг қариндошлари ўтирган даврада *Отабекни* “*куёв*” ёки “*Отабек*” деб аташдан истиҳола қилиши ўзбек аёлига хос гўзал ахлоқ намунасини кўрсатади. Мураккаб ситуацион ҳолатларда коммуникантлар ўзаро бир-бирларини тўлиқ англамагунларига қадар фикрни яширин ифодалаш шакллари танлайдилар, ана шундай ўринларда сўз-гаплар ёрдамга келади. Ҳар доим ҳам сўз-гапларнинг барчасида борлиқ ҳақида бирор хабар билдирилмай, суҳбатдошнинг гапидан англашилган мазмунга бўлган муносабат ифода қилинади¹, деган фикрга қисман қўшилиш мумкин.

Ишда *баракалла, шукур, аттанг, албатта, яхши, вой-бўй, хўб, майли, бўпти, тузик, билмадим* каби ўзгарувчан интонацион табиатли сўз-гаплар сўзловчиларнинг турли прагматик мақсадини намоён қилиши, бунда деярли

¹ Расулов И. Ҳозирги ўзбек тилида бир составли гаплар. – Т.: Фан, 1974. – Б. 84.

турғун кўлланувчи кўп нукта воситасида юзага келувчи “...оҳанг инсоннинг аффектив ҳолатини тасвирлашда энг актуал бирлик сифатида намоён бўл”¹иши асослаб берилди.

“Новербал воситалар асосидаги тежамлиликнинг бадий-эстетик хусусиятлари” деб номланган иккинчи бўлимда новербалликни юзага келтирувчи фонацион, кинетик новербал воситалар лингвопоэтик таҳлил қилинган. Бадий матнда ифодаланмаган вербал восита ўрнини новербал восита билан тўлдириш ёки мазмунни воқелантиришни тўлалигича новербал воситага юклаш ортиқчаликка барҳам берибгина қолмай, турли прагматик мақсадга кўра, қаҳрамонларнинг психологик ҳолатини, эмоционал ёки миллий бўёкни, субъектив муносабатни ифодалашига кўра кўлланади. Масалан: *Содиқ юзига мағрур бир тус ва овозига музаффарият оҳанги бериб “хатни ҳам олдим”, жавобини айтди. Бу жавобдан сўнг Ҳомиднинг оғзининг таноби жуда ҳам қочқан ва Содиқнинг елкасига қоқа бошлаган эди.* (А.Қодирий, Ўткан кунлар). *Елкага қоқиб қўйиш* кинетик новербал воситаси “мамнунлик”, “розилик” “мақтов” каби маъноларни англатади. Ҳомид ғараз ниятини амалга оширган гумаштаси Содиқдан мамнунлигини шу тариқа билдирган. Ҳомид – такаббур инсон, фақир Содиқни аслида писанд қилмайди, доим ўзининг чиркин ниятларини амалга ошириш учун ундан фойдаланади, шу сабаб “рахмат” дейишни эп кўрмай, новербал воситадан фойдаланади. Ушбу новербал восита орқали назарда тутилган ахборот мазмуни турлича тушунилади: 1.Содиқдан мамнунлигини изҳор этиш учун; 2. Ўзидан паст мавқега эга кишига вербал ифода орқали изҳор этишни муносиб кўрмагани учун; 3.Ўзининг ғаразли истагига эришганлиги учун каби. Новербал восита ифода ихчамлигини таъминлаб тежамлиликни воқелантирибгина қолмасдан, вербал восита орқали очиб бериш мушкул бўлган прагматик ниятни юзага чиқаради.

Новербал воситани танлашда мулоқотнинг мақсади, вазият, коммуникантларнинг жинси, ёши, савияси, табиати, миллий-этник, маданий, ижтимоий мансублиги каби таркибий қисмларнинг ҳар бири ўзига хос хусусий ифода қийматига эга, танлов кўпгина омиллар билан белгиланади. Масалан, А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асаридаги қайнота-келиннинг илк бор кўришишлари *Кумуш уялиб зўрғагина салом берди ва Юсуфбек ҳожининг яқинига келиб бўйин эгди. Ҳожини қўли билан Кумушнинг елкасига қоқиб суйди ва Кумушнинг манглайига тегизиб олган ўз қўлини ўнди* тасвири орқали келтирилган. Қайнота ва келиннинг бу тарздаги “мулоқот”и ташқи таркибий қисмлар – миллий-этник, маданий жиҳатлар билан чамбарчас боғлиқ ва бу вазифани вербал воситалар тўлақонли юзага чиқара олмайди.

Бобнинг “Семантик-синтактик номувофиқлик асосидаги тежамлилик ҳамда эллипсиснинг лингвопоэтик хусусиятлари” деб номланган учинчи

¹ Худойберганова Д. Матннинг антропоцентриқ тадқиқи. – Т.: Фан, 2013. – Б. 67.

бўлимида даставвал шаклий-мазмуний номувофиклик асосида тежамлилик гап семантикасининг энг муҳим бирлиги бўлган тасдиқ ёки инкор асосида юзага чиқиши, бунда пресуппозициянинг ўрни халқ мақоллари мисолида, шунингдек, бадий матнда ситуатив эллипсис, контекстуал эллипсис ва семантик эллипсиснинг лингвопоэтик имкониятлари ҳақида сўз боради.

Шаклий-мазмуний номувофиклик асосида тежамлилик гап семантикасининг энг муҳим бирлиги бўлган тасдиқ ёки инкор асосида вужудга келади. Ҳар қандай гапда фикр (мазмун) сатҳидан референция сатҳига (маънога) қадам қўйилади, шу билан айрим маъноларнинг тасдиқ ёки инкор қилиш акти содир бўлади¹, тасдиқ ёки инкор ҳукмидан бири гапда пропозитив воқеланганда, кўп ҳолларда, иккинчи ҳукм пресуппозицион тарзда мавжуд бўлади. Тил тараққиётининг етакчи тенденцияси бўлган тил воситаларининг экономияси тенденцияси пресуппозиция орқали юзага чиқади², Д.Лутфуллаева таъкидлаганидек, инкор гапларнинг мазмунан тасдиқни англатишида пресуппозиция ҳодисаси муҳим ўрин тутаяди, шаклан инкор гапларнинг мазмунан тасдиқни англатиши учун айни гап тасдиқни англатувчи пресуппозицияга эга бўлиши шарт ва агар гапда ана шу пресуппозиция мавжуд бўлмаса, инкор гапдан тасдиқ англашилмайди³. Масалан, *Кўндан қуён қочиб қутулмас* ўзбек халқ мақоли инкор гап мазмунида бўлса-да, *“Кўпчилик – катта куч”* деган пресуппозицион тасдиқ англашилиб туради; *Суяк бутун бўлса, эт битиб кетар* тарзидаги кесими тасдиқ формасидаги мақолдан эса *“Қийинчиликлар узоққа чўзилмайди”* деган пресуппозицион инкор ҳам англашилиб туради. Ўзида катта миллий-маданий ахборотни жамлаган мақолларда пресуппозиция ортиқча қўлланишларга барҳам беради.

О.И.Реунова эллиптик жумлаларни нутқий тежамлилик асосида юзага келган ва ўзига хос хусусиятларга эга бўлган жумлаларнинг мустақил таркибий турлари деб ҳисоблайди. Унинг ўзига хослиги маълум шароитларда гап тузилмасида минимал элементлар билан ахборотнинг тўлиқлигини ифодалаш имкониятидир, эллипсис орқали нафақат ахборот тўлиқлигига, балки кўпроқ экспрессивлик ва эмоционал ранг-барангликка эришилади. Шу боис эллипсисга фикрлашнинг маълум мантиқий шакллари ифодалашга хизмат қилувчи, махсус семантик ва синтактик структураларни шакллантириш усули сифатида қаралади⁴. Масалан, семантик эллипсисда семантик такрордан қочилади, бу такрор, биринчи навбатда, шаклнинг айнан такрорига ва бир маънони бир неча бўлакда ифодалашга, ёйиқ оборотларга барҳам бериш мақсадида юзага келади. Н.Маҳмудов семантик эллипсиснинг ҳосил бўлишидаги асосий учта омилни кўрсатади: 1) Гапнинг маълум

¹ Қаранг: Нурмонов А., Маҳмудов Н. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Т., 2007. – Б.5.

² Маҳмудов Н. Пресуппозиция ва гап // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1986. – №6. – Б.31.

³ Лутфуллаева Д. Тасдиқ гапларда инкор ва шаклий-мазмуний номувофиклик: Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Т., 1997. – Б. 18.

⁴ Реунова О.И. Эллипсис как лингвистическое явление. – Пятигорск: Изд-во Пятиг. гос. лингвист. ун-та, 2000. – С. 103.

бўлагига мантикий урғу тушиши. 2) Экспрессив бўёқдорлик ҳосил қилишга интилиш. 3) Тавтологиядан қочиш¹. Масалан: – *Очигини айтсам, дўхтир зотиға тобим йўқ. Ўн йилми ё ўн беи йилми олдин биқиним оғриб дўхтирхонаға борувдим. Биттаси иккинчисига рўпара қилди, униси ўнинчисига юборди, хуллас, отнинг калласидек қозозға касалларимни ёзиб беришиди. Етти-саккиз хил касалим бор экан. Вей, томи кетганлар, шунча касал ўликда ҳам бўлмайди, дедим. Берган дориларининг биттасини ҳам ичмадим. Мана, юрибман, ўлмай.* (Т.Малик, Шайтанат). Семантик эллипсисда ҳар бир гап ўзидан олдинги гап билан зич семантик боғланган бўлади, ифодаланмаган қисмининг тил формаси аниқланмаган ва тилга олинмаган маънони ифодалаши учун бир вақтнинг ўзида бир неча вариантлар қўлланиши мумкин². Масалан, келтирилган мисолда Кесакполвоннинг докторларга нисбатан салбий муносабати атрибутивли бирикмадан шахсни билдирувчи лексеманинг (докторлар) туширилиши асосида кучайтирилган, яъни туширилган сифатланмишнинг (доктор) семантик-синтактик вазифаси сифатловчига (биттаси, иккинчиси, униси, ўнинчиси, томи кетган) юкланган, шу сабабдан сўзловчи уларга бўлган норозилик, ишончсизлик, ҳақорат каби салбий муносабатини биттаси, иккинчиси, униси, ўнинчиси, томи кетган каби турли вариантлар орқали кетма-кетликда изоҳлаган, бунда отлашган сўзлар тавтологиядан қочиш мақсадида қўлланиб, ҳар бири мантикий урғу олган ҳолда семантик марказга қўйилган. Семантик эллипсис натижасида гапнинг мазмуний структурасида деярли ўзгариш бўлмайди, фақат гапда кенг маънодаги аниқловчи белги эгасини ҳам ифодалагани ҳолда таъкид олади ва экспрессив бўёқдорлик ҳосил қилади.

Диссертациянинг тўртинчи боби “Мумтоз шеърятда лисоний ортиқчаликнинг лингвопоэтик имкониятлари” деб номланган. Бобнинг биринчи бўлими “Мумтоз шеърятда лексик, аффиксал, лексик-аффиксал ортиқчалик бадиияти” деб номланиб, аффиксал ортиқчалик биргалик нисбати ва -лар аффиксининг (*Зиҳи давлатлиқ бу икки қошингим, кумуш тахт узра оғношиб ётурлар* (Лутфий), лексик-аффиксал ортиқчалик неча + (-лар) аффиксли сўз (*Неча гулчеҳралардин бағринг ичра хор топқайсен?* (Бобур), *турфа* + (-лар) аффиксли сўз (*Олам элидин турфа ситамлар* кўрдум (Бобур), *мисли* + (-дек) аффиксли сўз (*Кўлунгни мисли Адҳамдек жаҳондин айласанг кўтаҳ* (Машраб), қаратқич келишликли кишилиқ олмоши + эгалик аффиксли сўз (*Сенинг нозингни ким тортар, менинг сендин не парвоим?* (Бобур), шунингдек, шахс ва сон маъносининг синтетик ҳамда аналитик йўл билан ҳосил қилиниши (*Аё дўстлар, шунқор қушум учурдум ман* (Яссавий) эга ва кесим I ёки II шахс кишилиқ олмошлари билан ифодаланганда кузатилиши асосланган. Мумтоз адабий асарларнинг замонавий адабий

¹ Махмудов Н.М. Эллипсис в узбекском языке: Дисс. ...канд. филол. наук. –Т., 1977. – Б. 14-55.

² Веденина Л. Г. Французское предложение в речи. – М.: Высшая школа, 1991. – С.100-109.

асарлардан фарқли жиҳатлари тил бирликларининг поэтик мазмун салмоғини ошириш мақсадида нисбатан ортиқча ишлатилишида кўринади. Лексик ортиқчаликда синонимик муносабатдаги лексемаларнинг, яъни тил бирликларининг семантик жиҳатдан такрор ҳолда келиши мазмунни аниқлаштириш, такрорнинг олдини олиш мақсади билан ҳосил қилинади. Мумтоз бадий матнларда синонимлар икки поэтик талабга кўра ортиқча қўлланади: а) бир бирлаштирувчи семага эга бўлган лексемалар ифода даражалари билан ўзаро фарқланиб, улардан бири поэтик нутқ учун хосланади; б) бир бирлаштирувчи семага эга бўлган лексемалар эмоционал-экспрессивлигига кўра фарқланиб, улардан поэтик нутқ учун моси танлаб олинади.

Поэтик нутқ бадий ниятни аниқ, образли ифодалашни талаб қилади, лексик ортиқчалик асосида бирор маънони тўлароқ, ёрқинроқ ифодалаш учун синонимларнинг кетма-кет қўлланиши бунга тўла мос келади. Мумтоз адабий асарларда *дард* мавзуси етакчи ўрин тутган ғазаллар талай, масалан: *Дарду ғам бўстонининг товусидур кўнглум қуши* (Навоий); *Не даме дарду ғамингдин бор эди орому сабр* (Хусайний); *Дарду аламу гуссаки ҳажрида чекарман* (Нодира) ва ҳок. Машрабнинг “Дард” радифли ғазалида мумтоз тасаввуфий адабиётнинг кўҳна мавзуси ўзаро синонимик муносабатдаги *дард*, *ғам*, *мусибат*, *қайғу* сўзлари орқали таъсирчан тарзда баён қилинган. *Охиримни дарду ғамга ошно қилди бу дард* деб бошланувчи биринчи мисра ҳамда *Қайғулик бошимга ҳар дам кўҳи ғамни орттируб* мисраларида синоним лексемалар уйғунлиги асосида юзага келган ортиқчалик ғоявий-бадий мазмунни кучайтиришга хизмат қилган. Синонимларнинг “функционал аспекти бевосита турли матнларда қўлланиши ва бир-бирини алмаштира олиш ва олмаслигини, бундай алмаштиришлардан юзага келадиган самара, уларнинг муаллиф ижодий ва ғоявий ниятининг амалга ошувига хизмати билан аниқланади”¹. Масалан, Увайсийнинг *дард* мавзуси акс этган бир ғазалида ўзаро уйғун ва бир семантик қуршовга мансуб икки синонимик қатор (*сабр*, *бардош* ва *дард*, *алам*) лексемалари бир мисрада кетма-кет қўлланиб ушбу мавзунинг моҳиятини тўлароқ ёритишга хизмат қилдирилган: *Сабр айласам бардош этиб, дарду алам ўлтургуси*. Мумтоз адабий асарларда бир сўз ифодалаётган маънонинг иккинчи сўз маъноси билан такрорлаш лексик ортиқчалик саналиб, бундай ўринларда лингвопоэтик функция кўзда тутилган бўлади.

Бобнинг иккинчи бўлими “Семантик ва синтактик ортиқчалик мажозий тасвир рамзийлигига эришиш воситаси сифатида” деб номланган. Такрор семик компонентларнинг тобе бирикмали комбинацияси семантик ортиқчалик саналади, ортиқчаликнинг ушбу тури кўз лексемасининг *кўрмоқ*, *боқмоқ*, *қарамоқ* лексемалари билан семантик жиҳатдан бир-бирини

¹ Шамсиддинов Х. Ўзбек тилида сўзларнинг функционал-семантик синонимлари: Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Т., 1999. – Б. 5.

такрорлаши асосида бирикма ҳосил қилиши Нодира, Лутфий, Бобур, Машраб каби шоирлар ғазалларида рамз-тимсол тасвирини зийнатлаш мақсадида қўлланган. Мумтоз адабиётда инсоннинг ташқи аъзоларини бадий синтез қилиш орқали инсон руҳониятининг бутун нозик жиҳатларини тасвирлаш кўзда тутилади. У.Қобилов бу каби маъшуқа узвлари илоҳиёт мажозини англатиши, ... мумтоз бадий-эстетикада маъшуқа бирламчи маънода Ҳакни ифодаласа, узвлар унинг элчилари тимсолларига қиёсланишини таъкидлайди¹. Мумтоз шеър оламида кўз узви кенг тасвир этилиши боис кўз лексемасини ифодалаш ўзига хос тарзда поэтик актуаллашган. Кўз лексемасининг ифодада *кўрмоқ*, *боқмоқ*, *қарамоқ* каби лексемалар билан доимий тарзда бирга қўлланиши сабаби аслида шундан, шу мақсадга кўра, кўз лексемаси ифодадан туширилмайди, балки матнда моддий ифодаланиши шарт қилиб қўйилади. Лексема полисемантик сўз бўлиб, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да қуйидаги маънолари келтирилган: Кўз¹ – тирик мавжудотнинг кўриш аъзоси... Кўз² – назар, нигоҳ, қараш... Кўз³ – кўриш қобилияти... Кўз⁴ – баъзи нарсаларнинг бирор белги билан ажралиб, кўзга ўхшаб кетадиган қисми, бўлаги...². Кўз¹ семемасида айнан кўриш аъзосининг функцияси ифодаланган бўлиб, *кўрмоқ* сўзи ва унинг синонимлари билан бирга қўлланганда семантик ортиқчаликнинг юзага келишига замин бўлади, масалан: *Энди билдим рост эмиш, балки кўрдим кўз билди, Улки дерлар, сув қизи гоҳ-гоҳ кўзга кўринур.* (Атоий). Лексема нутққа олиб чиқилган лексик маъноси компонентлари билан алоқадор равишда, ўз валентлиги талабидан чиқиб кетмаган ҳолда қуршовга эга бўлади, лексик маъноси асосида валентликни юзага чиқаради, “кўриш қобилиятига эга бўлмоқ” лексик маъносини билдирувчи *кўрмоқ* лексемасининг бириктирувчанлик имконияти ўта кенг, *кўрмоқ* лексемаси шахс, предмет, белги, ҳолат, сабаб, мақсад маъноларини англатувчи бирликлар билан маъновий мувофиқлик асосида бирика олади. Кўриш қобилиятини, яъни кўриш функциясини кўз соматик аъзосининг ўзи бажарар экан, лексеманинг кўз сўзи билан бирикма ҳосил қилишини айнан маъновий мослик, аниқроғи, абсолют мослик деб ҳисоблаш тўғрироқ бўлади, лексемалар “бир-бирига маъновий мос бўлиши учун уларнинг маъно структураларида ўхшаш маъно бўлакчалари – семалари бўлмоғи лозим”³. Мослик семантик ортиқчалик асосида воқеланади.

Мумтоз бадий матнлар учун типик бўлган синтактик пландаги ортиқчалик қўшма гапларда модус+диктум ифодаси, уюшиқ бўлакли гаплар таркибидаги умумлаштирувчи бўлақлар, ажратилган бўлақлар, ажратилган ундалмалар орқали воқеланиб, ушбу бирликларнинг поэтик матнга бадий-

¹ Қобилов У. Ўзбек адабиётида нубувват мотиви ва образлар талқини (XIV-XV асрлар): Филол.фан. д-ри ... (DSc) дисс. автореф. – Самарканд, 2019. – Б. 30.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 2-жилд. – Т.: ЎзМЭ, 2006. – Б. 443-445.

³ Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г., Курбонова М., Юнусова З., Абузалова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: ЎзМУ, 2009. – Б. 278.

эстетик, мантиқий жиҳатдан дахлдорлиги уларни лингвопоэтик нуқтаи назардан ўрганишни тақозо этади.

Қўшма гапларда синтактик-семантик номувофиклик эргаш ёки бош гапнинг тўлиғича модус ифодаланиши асосида юзага келади, масалан: *Қаноат обрўйи икки дунёдур, агар билсанг* (Машраб) мисраси икки содда гапдан тузилган бўлиб, эргаш гап қисмида модус ифодаланган ва предикат ифодасидаги *-са* (*билсанг*) аффиксининг «шарт» маъноси нейтраллашган; бош гапда эса (қаноатли бўлишнинг афзаллиги) диктум ифодаланган. Модус, образли айтганда, матн структурасидаги пропозитив мазмун бирликлари устидан эгалик қилади. Бадиий адабиётда ижодкорнинг субъектив муносабати бадиий ифода топади, бусиз мумкин эмас, айнан шу муносабатга нисбатан “бадиийлик модуси” термини қўлланади¹, ғоявий-ҳиссий муносабат ёхуд муаллиф эмоционаллиги бадиийлик модуси орқали синтактик ортиқчалик планида намоён қилинади.

Бобнинг “Ранг билдирувчи лексемалар синонимиясининг лисоний ортиқчалик фонидаги лингвопоэтик имкониятлари” деб номланган учинчи бўлимида “қизил”, “қора”, “сарик” ранглари ифодаловчи ўз ва ўзлашма синонимлар, ўз ва кўчма маънолар мажоз ва ҳақиқат поэтик қонуниятлари асосида уйғунлашиб, мантиқан далилланган, ранглар тасвири рамзларнинг турли товланишларини яққол рўёбга чиқарган, бу товланишлар семантик ҳамда лексик ортиқчалик тамойили асосида юз бериши Алишер Навоий лирикаси мисолида ёритилган.

Ранг билдирувчи сифат лексемалар кўпинча иккинчи бир туркум лексемасида айнан шу маънони англатувчи сема мавжуд бўлган сўзлар билан атрибутив муносабатга киришади – классемани таркиб топтиради², ҳар иккала лексемада айнан бир семанинг такрори семантик ортиқчалик билан алоқадор бўлади. Масалан: *Лаъли шавқи била гар бўлса кўнгул қон не ажаб Ким, қизил май била тўлса кўрунур жом қизил.* (ҒС, 390-ғ.).

Қизил май бирикувида ҳоким сўз ўз семемасининг “қизил” семасига мос тарзда айнан шу семемани ифодаловчи сўзни танлаган, бу каби бирикувларда от лексема ўз семемасининг ранг семасига асосланган валентлиги асосида ранг билдирувчи сўзни бириктириб олади. *Қизил май* бирикувида аниқловчи аниқланмишнинг маъносини реаллаштириш учун эмас, экспрессивлик учун хизмат қилган, айнан семантик ортиқчаликка эга бу каби конструкциялар ижодкорнинг бадиий нияти маҳсули сифатида ҳосил қилинади.

Мумтоз адабиётда кўпинча ранг-тус маъноси ўхшатиш қурилмаси асосида тасвирланади, “...ўхшатиш қурилмаси таркибидаги асос нимани англатса (одатда, у белги билдиради), эталон ҳам маъносининг шундай белги

¹ Фрай Н. Анатомия критики // Зарубежная эстетика и теория литературы XIX-XX вв. – М.: Изд-во Моск. ун-та, 1987. – С. 233-263.

² Махмудов Н. Семантико-синтаксическая асимметрия простом предложении в узбекском языке: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Т., 1984. – С. 33.

билдиришига кўра қурилма таркибига киритилади”¹. Навоий асарларида ҳам *тун, шом, зулмат, тупроқ* лексемаларининг аниқловчиси сифатида *қора* лексемаси келтирилади, ҳолбуки *тун* лексемасининг семик таркибида “қора” белгиси мавжуд. Бу каби ортиқча қўлланишларда аниқланмиш реализатор вазифасини ўтайди, *қора тун, қаро шом, қора зулмат, қора тупроқ* бирикмаларидаги ҳар икки лексема бир хил семантикага эгаллиги асосида классемани таркиб топтириб, “белги”га эгаллик семасини бўрттиради: *Қавму хайли бори қолиб гофил, Ул қаро тунда масту лояъқил.*(СС, XXII). Бу каби ўхшатиш қурилмалари таркибида ранг номи (сифатловчи) асос сифатида, шу ранг мансуб бўлган нарса-предмет номи (аниқланмиш) эталон сифатида келтирилади.

Семантик таркибида ранг семаси мавжуд от лексемалар маълум сўз билан атрибутив боғланар экан, унинг классемаси кўп ўринларда айнан шу рангни билдирувчи сифат лексемадан таркиб топади, бу каби семантик такрорлар ортиқчаликка йўл очиб, образли тасвир яратиш мақсади билан намоён бўлишини *сарик олтин* бирикмаси мисолида кўриш мумкин: Масалан: *Сариг олтун аро нечукким мехр* (СС, XXII). Шунингдек, *қизил, қора, сарик* сифатларининг туркий, форсий, арабий тиллардаги муқобиллари ёки семантикасида “ранг” семасига эгаллик мавжуд бўлган бир неча туркий ҳамда ўзлашма от лексемалар ёхуд поэтик ясалмалар Алишер Навоий асарларида мажозий тасвир талабига кўра лексик ортиқчаликни юзага келтирган.

ХУЛОСА

1. Тилшуносликнинг узлуксиз тараққиёти натижасида илмий тушунчалар янги қарашлар билан такомил топиб бормоқда, бугунга қадар жаҳон, рус ва ўзбек тилшунослигида тежамлилик ва ортиқчалик масалаларига доир кўплаб тадқиқотлар амалга оширилди, ҳар иккала тамойилнинг тил сатҳлари ва нутқ кўринишларидаги амалий қиммати ўрганилмоқда, тежамлилик ортиқчаликка нисбатан универсаллик касб этгани учун бугунги кунда ортиқчаликдан олдинроқдаги эътиборли мавзуга айланган, бироқ тилшунослик тарихида мазкур тамойилларнинг диалектик алоқадорликда воқеланишига жиддий эътибор берилмаган.

2. XVII-XVIII асрларда сунъий тиллар яратиш бўйича лойиҳалар муҳокамаси муносабати билан тил структурасини унинг қисмлари ўртасида “иктисодий тақсимот” билан белгилаш керак, деган фикр кенг тарқалса-да, жаҳон тилшунослигида тил иқтисодиёти муаммосининг тизимли ривожланишига XIX асрдаёқ киришилди. XX асрнинг иккинчи ярмидан дунё тилшунослигида, хусусан рус ва ўзбек тилшунослигида ҳам тежамлиликнинг тил эволюциясидаги ўрни, ўсиб бориши, нутқий имкониятлари, тартибга

¹ Тожиматов Х. Сифат семемасининг реаллашувида контекст: Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2007. – Б.19.

солиш масалаларини тилнинг турли аспектида илмий текшириш етакчи планга чиқарилди.

3. XX аср ўрталарига келиб жаҳон ва рус тилшунослигида тил, хусусан, матннинг ижобий хусусияти сифатида ортиқчалик ахборот назариясининг пайдо бўлиши ва ривожланиши муносабати билан тегишлича кўзга ташланиб, ортиқчалик адресат томонидан ахборотни етарли даражада қабул қилишни таъминловчи зарурий шарт сифатида қарала бошланди. Ортиқчалikka доир кузатишлар ҳодисанинг моҳияти ҳақида муҳим хулосаларга келиш имкониятини беради.

4. Инсоннинг мантиқий тафаккурида тушунча ва образлар умумлашмаси концепт маҳсули сифатида инъикос этар экан, концепт доирасига нафақат бирламчи маъно ифодаловчи лексемалар, балки кўчма маъноли бирликлар ҳам мансуб бўлиб, маъновий-мантиқий, семантик-функционал ҳамда лингвомаданий белгиларига кўра боғланган бўлади. Ижодкорлар бадиий талабга кўра “инсон” концептини тежамлиликка асосланган кўчимлар воситасида воқелантирганда, муаллифнинг образли тафаккур фаолияти асосида яратилган индивидуаллик мантиқийлик ифодаловчи рамзий белги сифатида намоён бўлади.

5. Имплицит информациянинг асосий манбаси бўлган киноларда маъновий структуранинг ўзига хос табиати, шакл ва маъно номувофиқлиги, контекстуал, ситуатив хосланишга эгаллиги каби хусусиятлар киновий маънонинг мураккаб семантик-прагматик феномен эканлиги билан белгиланади.

6. Образли тус берувчи окказионализмлар тежамлилик қонуниятига мувофиқ поэтик матнда ўринсиз ортиқчалikka барҳам бериб, нафақат ижодкорнинг, балки ўқувчининг ҳам бадиий диди, бадиий идрокининг юқори бўлишини талаб қилади.

7. Тежамлиликнинг синтаксисда амал қилиши тилнинг бошқа сатҳларида амал қилишидан ниҳоятда юқорилиги аниқланиб, бадиий матнда қаҳрамонлар нутқи муаллиф томонидан пухта ўйланган ва ташкиллаштирилган, оғзаки нутқнинг ўзига хос хусусиятлари онгли равишда самарали танлаб олинганки, китобхонда тўлиқ табиийлик ва “тирик” таассуротни уйғотади. Бадиий матнда муаллиф ва қаҳрамон нутқини структурал-семантик жиҳатдан фарқловчи ва айнан қаҳрамон нутқи учун хосланган сўз-гап моделлари тежамлилик натижаси бўлиб, лингвопоэтик қиммат касб этади.

8. Инсоннинг ақлий ҳаракатларни аслида интеллекти даражасини белгилар экан, бадиий асар қаҳрамонлари нутқида вербал воситалар ўрнини новербал воситалар билан тўлдиришга интилиш экстралингвистик, психологик омиллар билан боғлиқ бўлиб, нутқнинг таъсирчан, ихчам, қисқа ва лўнда бўлишини таъминлайди ва миллий характер касб этади.

9. Жим қолиш усули бадиий нутқда психологик белги (сўзловчининг ҳолати) тарзида намоён бўлиб, шунга мос тарзда лисоний белги билан

мувофиқлашади ва сўзловчи нутқ интенциясини ўзи учун аниқ белгилаган бўлса-да, фикрини охиригача етказмаслиги коммуникантларнинг мақсадли ҳаракати намунаси бўлган жим қолиш воситасида юзага чиқиб, вербал воситаларни тежаш имконини вужудга келтиради.

10. Шаклий-мазмуний номувофиқлик асосидаги тежамлилик гап семантикасининг энг муҳим бирлиги бўлган тасдиқ ёки инкор ҳукмини пресуппозиция воситасида намоён қилиши халқ мақолларида муҳим ўрин тутди. Мақоллар, биринчидан, нутқни ихчамлаштиради, иккинчидан, нутқни компенсациялаш функциясини бажаради.

11. Тежамлилик тамойили тил эволюциясининг умумий ва асосий омилларидан бири сифатида синтактик сатҳда эллипсис ҳодисасини намоён қилади, эллипсиснинг ситуатив, контекстуал ҳамда семантик эллипсис каби турлари бадиий матнда нутқий-коммуникатив ҳодиса мақомида бўлиб қаҳрамонлар нутқини типиклаштиради, алоҳидалайди, мазмуннинг қийматини орттиради, аниқроғи, ижодкорнинг “онгли аралашуви билан” лингвопоэтик мақсад кўзда тутилиб қаҳрамон нутқидан муҳим бўлмаган гап бўлаклари атайин туширилади.

12. Мумтоз поэтик матнларда бир синонимик қаторга мансуб туркий сўзлар форсий, арабий ўзлашмалари билан лексик ортиқчалик асосида қўлланиб тил лексикасини бойитган ҳамда грамматик маъно ифодаловчи формалар аффиксал ортиқчалик ва лексик-аффиксал ортиқчалик тамойилига мувофиқ қўлланиб, бадиий-эстетик мақсад, мантиқий-поэтик таъкид ҳамда субъектив-модал муносабат ифодалаган ортиқча бирликлар бадиий матннинг лингвопоэтик қимматини белгилаб берган.

13. Мумтоз шеърият оламида инсон соматик аъзолари образ-тимсол сифатида кенг тасвир этилади ва маънавий-бадиий оламда мажозий-рамзий тасвирлар фалсафий-эстетик ифодани вужудга келтиради. Муайян рамзлар талқинлар семиотикасини бойитувчи бадиий-эстетик вазифа бажариб, поэтик актуаллашган лексемаларнинг семик алоқадор лексемалар билан доимий тарзда бирга қўлланиши, ифодадан туширилмаслиги сабаби аслида шундан, бу орқали семантик ортиқчаликка йўл очилади.

14. Бадиий матнда ортиқча қўлланаётган компонент конструкция учун семантик жиҳатдан бўш лексема саналмайди, гарчи маъноси ўзи билан алоқадор ҳаракат ёки ҳолатни ифодаловчи лексема семемасида мавжуд бўлса-да, эксплицит мазмун ифодалаб, тимсол яратишда поэтик маънони қолипловчи воситага айланади. Семантик ортиқча қўлланаётган тил бирлиги кўпинча конструкцияда бирикма ёки гапнинг бошида қўлланади.

15. Мумтоз поэтик матнларда бадиийлик модуси синтактик ортиқчалик планида юзага келтирилади, эргашган қўшма гапларда модуснинг ифодаланиши гапнинг монопропозитивлигини англашиб, шаклий-мазмуний номувофиқлик синтактик ортиқчаликни намоён қилади, модус асосида ижодкор ўзининг ғоявий-ҳиссий муносабатини зоҳир этишни кўзлайди.

16. Синтактик планда ортиқчалик қисқа структурада икки ва ундан ортиқ ахборотнинг барқарорлашуvidан юзага келган уюшиқ бўлақларни умумлаштириш, жамлаш, хулосалаш, тўлдириш, таъкидлаш, изоҳлаш талабига кўра вужудга келувчи умумлаштирувчи бўлақ ҳамда бир предикатив қурилма ичида ҳосил қилинган ярим предикатив қурилма типли ажратилган бўлақлар, шунингдек, ажратилган ундалмалар поэтик ифодага бадий қувват бериб, ижодкорнинг ғоявий-эмоционал баҳосини белгилаб лингвопоэтик аҳамиятга эга бўлади.

17. Алишер Навоий ҳар бир лексема ва унинг ўзлашма синонимик вариантларининг зоҳир бўлиш хусусиятларини чуқур билган, улуғ шоирнинг ифода малоҳатига хос услуб поэтизм даражасидаги туркий, форсий, арабий синонимларни ортиқчалик тамойилига мувофиқ қўллашида намоён бўлиб, “қизил”, “қора”, “сариқ” семема ва семаларини ифодаловчи туркий ва ўзлашма синонимларни ортиқчаликка асосланиб қўллаш орқали туркий тилнинг лексик захирасини бойитган.

18. Ахборот технологиялари жадал ривожланиб, хабарлар оқими ўсиб, ҳаёт суръати тезлашиб бораётган бугунги кунда тежамлиликнинг олдини олиш мумкин бўлмай қолди, борган сари инсонларнинг нутқий фаолиятида тежамлиликнинг ўрни юқорилаб бормоқда, бироқ бу ортиқчалик буткул барҳам топади, дегани эмас. Тежамлилик ва ортиқчаликнинг лингвопоэтик хусусиятларини ўрганиш асносида тил-инсон-маданият ҳамкорлигидан келиб чиқиб тамойиллар лингвокогнитив, лингвостатистик, лингвокультурологик, психолингвистик, социолингвистик, лингвопрагматик ёндашувлар асосида алоҳида-алоҳида монографик аспектда тадқиқ этилиши лозим, деган хулосага келинди. Ушбу тадқиқотлар тамойилларнинг янги-янги қирраларини очиш баробарида ўзбек тилининг имкониятлари кўламини ҳам кўрсатади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**НАВОИЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

ЮСУБОВА РАНО НОРБОЙЕВНА

**ЛИНГВОПОЭТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ЭКОНОМИИ И
ИЗБЫТОЧНОСТИ**

10.00.01 – Узбекский язык

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА НАУК (DSc)
ПО ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Самарканд - 2021

Тема диссертации доктора наук (DSc) по филологическим наукам зарегистрирована за номером №B2019.4.DSc/Fil192 Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Докторская диссертация выполнена в Навоийском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.samdu.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный консультант: Менглиев Бахтиёр Ражабович
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты: Элтазаров Жулибой Данабаевич
доктор филологических наук, профессор

Хакимов Мухаммад Хужахонович
доктор филологических наук, профессор

Йулдошев Маъруфжон Мухаммаджонович
доктор филологических наук, профессор

Ведущая организация: Национальный университет Узбекистана

Защита диссертации состоится «09» июня 2021 года в 10 часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 по присуждению ученых степеней при Самаркандском государственном университете (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Самаркандский государственный университет, Главный учебный корпус, 105-й кабинет).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (Зарегистрирована за номером 21). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Автореферат диссертации разослан «28» июня 2021 года.
(Реестр протокола рассылки 43 от «28» июня 2021 года).



Мухиддинов М.К. Мухиддинов,
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
д. филол.н., профессор

Асланова Х.А. Асланова,
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, д. филол.н.

Маматов А.Э. Маматов,
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
ученых степеней, д. филол.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой лингвистике научную и практическую значимость имеет исследование связи речевой реализации с психологией носителя языка, его когнитивной деятельностью, изучение цели экономии или избыточности языковых единиц, национально-этнической специфики этих явлений, относительного доминирования явления экономии в условиях глобализации, вопросов выявления и обоснования роли экономии и избыточности в формировании речи. Сегодня перед лингвопоэтикой стоит идейно-эстетическая задача реализации поэтических возможностей диалектически взаимосвязанных между собой принципов – экономии и избыточности. Следовательно, изучение на примере эллипсиса и редукции связи избыточности с языковой экономией является важнейшим фактором обеспечения развития данной отрасли.

Несмотря на то, что мировая наука располагает изрядным количеством исследований, посвящённых изучению экономии и избыточности, на сегодня является актуальным системное и комплексное изучение данных явлений. С одной стороны, выдвижение на повестку дня различных целей и задач, специфические фактические материалы, методы исследования, взаимоотрицающие философские и методологические основы исследований требуют разносторонних подходов. С другой стороны, сложность и взаимообусловленность этих явлений ощутимо усложняют решение проблем. Такие изменения в языке имеют важное значение как средство реализации экономии и избыточности художественной речи, охватывающее лингвопоэтические особенности.

В последнее время в стране уделяется огромное внимание повышению авторитета и статуса узбекского языка. Серьёзно рассматривается проблема «...создания широких и равных возможностей для развития языков всех наций и национальностей, проживающих на территории нашей страны, а также благоприятных условий для изучения ими государственного языка»¹, а это, безусловно, требует основательного изучения лингвопоэтических возможностей экономии и избыточности. В художественном тексте концептуализированная образная мысль в зависимости от индивидуального стиля автора имеет характер экономии или избыточности; при лингвопоэтическом анализе художественного текста, воплощающего проявляющиеся в социальной деятельности национально-этнические, философские, нравственные, поэтико-эстетические взгляды, важно определение данных принципов, освещение лингвопоэтических особенностей “живого” текста – художественного текста, обусловленных данными двумя принципами, что и определяет актуальность выбранной темы.

¹ Указ №УП-6084 Президента Республики Узбекистан “О мерах по дальнейшему развитию узбекского языка и совершенствованию языковой политики в стране” // [https:// lex.uz](https://lex.uz)

Данная диссертация в определённом смысле служит реализации задач, обозначенных в указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947-сон “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” от 7 февраля 2017 года, №УП-5850 “О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка в качестве государственного языка” от 21 октября 2019 года, №УП-6084 “О мерах по дальнейшему развитию узбекского языка и совершенствованию языковой политики в стране” от 20 октября 2020 года, постановлении №ПП-2789 “О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности” от 17 февраля 2017 года и других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей и пути их осуществления в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-нравственном развитии информатизированного общества и демократического государства».

Обзор международной научной литературы по теме диссертации¹. В мировой лингвистике научные наблюдения, касающиеся лингвистических особенностей, речевых возможностей, когнитивных и лингвопоэтических аспектов экономии и избыточности, проводятся в ведущих научных центрах и высших учебных заведениях мира, в том числе, Sorbonne Université (Франция); Oxford University, Cambridge University, University of East Anglia (Англия); Humboldt Universität, University of Rochester (Германия); Boston University, Yale University, University of Chicago (США); Sapienza University of Rome, Università di Milano (Италия); University of Geneva (Швейцария); Nagoya University, Hiroshima University (Япония); Universiteit Utrecht (Нидерланды); University of Belgrade (Сербия); Институт лингвистических исследований, Московский государственный университет, Государственный институт русского языка имени А.С.Пушкина, Тольяттинский государственный университет, Санкт-Петербургский государственный университет, Башкирский государственный университет (Россия); Азербайджанский государственный университет языков (Азербайджан), Казахский национальный университет (Казахстан); Ходжендский государственный университет (Таджикистан); а также, Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, Институт узбекского языка, литературы и фольклора АН РУз (Узбекистан).

¹ Обзор международных исследований составлен на основе данных сайтов www.sorbonne-universite.fr, www.ox.ac., www.cambridge.org, www.uea.ac.uk; www.hu-berlin.de, www.rochester.edu, www.bu.edu, ling.yale.edu, www.math.rug.nl, www.amazon.com; http://www.uniroma1.it, www.collegiodimilano.it; www.unige.ch; en.nagoya-u.ac.jp, www.hiroshima-u.ac.jp; www.uu.nl; www.bg.ac.rs; http://iling.spb.ru; www.msu.ru; www.pushkin.institute.ru; www.tltsu.ru; www.spbu.ru; www.bashedu.ru; adu.edu.az; www.kaznu.kz; www.hgu.tj; www.navoiy-uni.uz и других источников.

Благодаря исследованиям, посвященным изучению реализации принципов экономии и избыточности, их связи с лингвистическими и экстралингвистическими факторами, оппозитивности или диалектической связи в реализации прагматической цели, лингвопоэтическим возможностям, участию в реализации поэтических средств, степени действия в языковых ярусах принципов языковой экономии и избыточности, психофизиологической, лингвокультурной, концептуальной природы получены следующие научные результаты: изучена роль принципа экономии в языковой эволюции, диалектическая связь и философские основы экономии и избыточности (Sorbonne Université, Франция; Cambridge University, Англия; Università di Milano, Италия; Oxford University, Yale University, США; Humboldt Universität, Германия; Università di Milano, Италия; University of Geneva, Швейцария; Институт лингвистических исследований, Россия; Институт узбекского языка, литературы и фольклора АН РУз); рассмотрены речевые явления, обусловленные принципами экономии и избыточности (University of East Anglia, Cambridge University, США; Институт лингвистических исследований, Московский государственный университет, Россия; Азербайджанский государственный университет языков, Азербайджан; Ходжендский государственный университет, Таджикистан; Институт узбекского языка, литературы и фольклора АН РУз); освещены факторы реализации в языковых ярусах принципов экономии и избыточности, роль экстралингвистических факторов в действии экономии (Sorbonne Université, Франция; University of Chicago, США; Humboldt Universität, Германия; Nagoya University, Hiroshima University, Япония; University of Geneva, Швейцария; Казахский национальный университет, Казахстан; Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навои); обоснованы психофизиологические особенности, лингвокультурные, когнитивные аспекты экономии и избыточности (University of Rochester, Германия; Boston University, США; Sapienza University of Rome, Италия; Universiteit Utrecht, Нидерландия; Санкт-Петербургский государственный университет, Россия); проанализирована связь экономии и избыточности со стилистикой, её поэтико-эстетические особенности (University of Belgrade, Сербия; Государственный институт русского языка имени А.С.Пушкина, Тольяттинский государственный университет, Башкирский государственный университет, Россия; Институт узбекского языка, литературы и фольклора АН РУз); обоснована реализация экономии в тропах и синтаксических фигурах (Институт лингвистических исследований, Россия; Институт узбекского языка, литературы и фольклора АН РУз).

